СОВЕТ ЭКОНОМИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

БҮТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 38 (3266).

22 февраль СЕШАНБА 1966 йил

Баҳоси 2 тийин

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ МАНФААТЛАРИНИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИНИ КЎЗЛАБ

19 февралда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасини муҳокама қилди ва маъқуллади. Пленум лойиҳани партия ташкилотларида, меҳнаткашларнинг йиғилишларида ва матбуотда муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Янги беш йиллик планга доир Директивалар лойиҳаси ўзининг аҳамияти жиҳатидан XXIII съезди арафасидаги энг муҳим ҳужжатдир. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, лойиҳани муҳокама қилиш ҳақиқатан умумхалқ иши бўлиб қолади, омманинг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини тағин ҳам кўпроқ оширади, съезд олди мусобақасини янада кенгайтиради.

Совет халқи партия раҳбарлигида ленинча бош йўлдан оғишмай бориб мамлакатда коммунизм қурилишининг КПСС программасида қўйилган тарихий вазифаларини амалга ошира борибг, комил ишонч билан олға бормоқда.

Социалистик жамиятимизнинг ривожланишидаги янги босқичда КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленуми ва ундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига раҳбарликни такомиллаштириш чоралари амалга оширилмоқда.

Бу қарорлар халқ хўжалиги вазифаларини амалга оширишда чинакам илмий йўл тутаётганлигини, объектив иқтисодий қонунларнинг амал қилиши ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда эришилган даражада ҳар томонлама ҳисобга олинаётганлигини кўрсатиб турибди. Давлат томонидан тузиладиган ягона планларни корхоналарнинг хўжалик ҳисоби билан, тармоқлари марказлаштирилган тартибда бошқариши жойлардаги хўжалик ташаббуси билан қўшиб олиб боришга асосланган ленинча демократик централизм принципи — шу қарорларда тўла равишда ўз ифодасини топди. Масалаларни чуқур билишга асосланган ишчанлик, етилган масалаларни қўйишдаги оперативчилик, қабул қилинаётган қарорларни иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб бериш, ҳар қандай субъективизмга ва ўзбошимчаликка нисбатан муросасиз бўлиш — мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига раҳбарлик қилишдаги ленинча услубнинг ажралмас белгиларидир. Янги беш йиллик планга доир Директивалар лойиҳаси учун худди мана шундай услуб, худди мана шундай йўл тутилганлиги характерлидир.

Директивларда қўйилган вазифаларнинг улуғворлиги, асосий план кўрсаткичларининг улканлиги билан бу Директивалар ҳаммани ҳайратда қолдирмаслиги мумкин эмас. Шуни айтиб ўтиш кифоя, беш йил мобайнида Совет Иттифоқининг миллий даромади 38—41 процент кўпайтирилиши, реал даромадлар эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда таҳминан 1,3 баравар кўпайтирилиши лозим. Саноат маҳсулотининг ҳажми таҳминан бир ярим баравар ошади. 1970 йилда мамлакатимиз 840—850 миллиард киловатт-соат электр энергия, 345—355 миллион тонна нефть, 225—240 миллиард куб метр газ, 665—675 миллион тонна кўмир, 124—129 миллион тонна пўлат, 95—99 миллион тонна прокат ишлаб чиқарадиган бўлиб қолади. Машинасозлик ва химия саноати маҳсулотлари кескин кўпаяди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажми анча ортади. Директивалардаги асосий рақамлар ҳақиқатан ҳам ғоят катта. Лекин булар халқ хўжалигимиздаги ишлаб чиқариш ресурслари ва резервларини объектив баҳолаш асосида ишлаб чиқилган жуда реал кўрсаткичлардир.

«ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН, — деб таъкидланади Директивалар лойиҳасида, — ЖАМИЯТИМИЗНИНГ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ ЙЎЛИДАН АНЧА ОЛДИНГА СИЛЖИШИНИ, МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИНИ, МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МУДОФАА ҚУВВАТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИ ТАЪМИНЛАШИ ЛОЗИМ. ФАН ВА ТЕХНИКА МУВАФФАҚИЯТЛАРИДАН ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛАНИШ, БУТУН ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНДУСТРИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ АСОСИДА САНОАТНИ ЯНАДА АНЧА ЎСТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШНИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДОИМИЙ ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ШУ ТУФАЙЛИ ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ АНЧА ЮКСАЛТИРИШГА, БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТАҒИН ҲАМ ТЎЛИҚ ҚОНДИРИШГА ЭРИШИШНИ ПАРТИЯ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАСИ ДЕБ БИЛАДИ».

КПСС Марказий Комитети янги беш йиллиқнинг бош вазифаларини белгилашда мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий мақсадларини ҳам, шунингдек бу мақсадларга эришишнинг энг самарали йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Янги беш йиллиқнинг характерли хусусияти шуки, фан-техника тараққиёти янада жадаллаштирилади. Илмий тадқиқотларнинг натижалари ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларига тез ва кенг жорий қилинади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш янги беш йиллик планнинг ўзагидир.

Саноат ишлаб чиқаришида — — фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни, яъни электр энергетика, машинасозлик, химия саноати, металлургияни илдам ривожлантириш кўзда тутилади. Оғир индустрияга таяниб, қишлоқ хўжалигини техника жиҳатдан янада қайта қуроллантиришни, истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларини, қурилиш, транспорт, алоқани, яъни экономиканинг ҳамма тармоқларини техника билан янада қайта қуроллантиришни таъминлаш зарур.

Машиналар, асбоблар ва ускуналарнинг унумдорлиги, тежамли, пишиқ бўлишини ва узоққа чидашини ошириш; саноатнинг ҳамма тармоқларига техникавий илғор, юқори сифатли маҳсулот чиқариш; янги, тағин ҳам такомиллашган маҳсулот ишлаб чиқаришни муттазам равишда ўзлаштириб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Директивалар лойиҳасида ишлаб чиқариш фондларидан ва капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва қаттиқ иқтисодий тежашни амалга ошириш — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг актуал проблемасидир.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг структурасини такомиллаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб келган диспропорцияларни йўқотиш янги беш йиллик планда белгиланган асосий йўлларнинг биридир. Бу гап авалло қишлоқ хўжалигига тааллуқли. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиб боришини таъминлаш зарур. Янги беш йилликнинг муҳим хусусияти — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларининг саноатни ўстириш суръатлари билан яқинлаштирилишидир. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларни («А» группа) ривожлантириш суръатлари билан истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни («Б» группа) ривожлантириш суръатларини яқинлаштириш, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш ҳам кўзда тутилади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик хом ашёсига ўсиб бораётган эҳтиёжларини яхшироқ қондириш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш янги беш йилликда қишлоқ хўжалигининг марказий вазифаси бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишт..ришнинг ҳар йилги ўртача ҳажми 1966—1970 йилларда шу маҳсулотни ўтган беш йил мобайнида етиштиришнинг ҳар йилги ўртача ҳажмига нисбатан 25 процент кўпайтирилиши лозим.

Дон етиштиришни кўпайтиришга бундан буёнги йилларда асосий эътибор берилиши лозим. Чунки дон етиштиришни кўпайтириш халқ фаровонлигини ўстириш учун ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини, айниқса чорвачиликни юксалтириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Директивалар лойиҳасида КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумн қарорларига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини материал ва техника билан таъминлашни анча кучайтириш, давлат томонидан сарфланадиган капитал маблағларни таҳминан икки баравар кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар етказиб беришни кенгайтириш, мелиорация ишларининг кенг программасини амалга ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчил равишда интенсивлаштириб бориш кўзда тутилади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнатнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, мамлакат экономикасига раҳбарликнинг яхшиланишига бевосита боғлиқдир. Директивалар лойиҳасида планлаштиришни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантириш, корхоналарнинг ташаббускорлигини ва хўжалик ишидаги мустақиллигини кенгайтириш, меҳнаткашларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан моддий манфаатдорликларини ошириш тўғрисидаги партия қарорларини оғишмай амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига доир Директивалар КПСС Марказий Комитети тақдим этган лойиҳаси партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ўтказиб келаётган иқтисодий сиёсат халқнинг туб манфаатларини ифодалаётганлигини кўрсатувчи янги далилдир. Партия, совет кишиларининг турмушини янада яхшилашни ўзининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. Совет халқининг моддий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондириш янги беш йиллик планнинг асосий мақсадидир.

Директиваларда беш йил мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ўрта ҳисобда камида 20 процент ошириш, колхозчиларнинг иқтимоий хўжаликдан олаётган пул ва натура даромадларини эса ўрта ҳисобда 35—40 процент ошириш кўзда тутилади. Истеъмолнинг иқтимоий фондлари ҳисобидан аҳолига берилаётган пул тўловлари ва имтиёзлар камида 40 процент кўпайтирилади.

Ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларни пенсия билан таъминлашни янада яхшилаш, савдо-сотиқни кенгайтириш, айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг ва халқ истеъмол қиладиган саноат молларининг давлат чакана нархларини камайтириш, аҳолига маиший ва маданий хизмат кўрсатишнинг ҳамма турларини ривожлантириш кўзда тутилади.

Уй-жой бинолари қурилишининг ҳажми 1,3 баравар кенгайтирилади. Шаҳарларда, ишчи поселкаларида ва совхозларда давлат капитал маблағлари, кооператив маблағлари ҳисобидан умумий саҳни 400 миллион квадрат метр чамаси уй-жой бинолари қурилади.

Халқ маорифи янада ривож топади. Беш йил ичида ёшлар учун умумий ўрта таълимни жорий қилиш асосан, тугалланади. Беш йил мобайнида олий ва ўрта махсус маълумотли таҳминан етти миллион мутахассис — 1961 — 1965 йиллардагидан 65 процент кўп мутахассис тайёрланади. Халқнинг умумий маълумот ва маданий-техникавий савияси ортиб борганлиги натижасида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлар камаяди.

Директивалар лойиҳасида қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини бир-бирига янада яқинлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу эса шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни йўқотишга, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини, бутун совет халқининг бирлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Янги беш йилликда барча совет республикаларининг экономикаси ҳар томонлама ривож топади. Директиваларда ишлаб чиқаришни жойлаштиришда бутун халқ хўжалигининг манфаатларини республикаларнинг манфаатлари билан тўғри кўшиб олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунинг натижасида Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг дўстлиги янада мустаҳкамланади.

Янги беш йилликда қўйилган вазифаларни ҳал қилишни совет халқи ҳозирги замонининг асосий революцион кучлари олдида ўзининг интернационал бурчи, деб билади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг Директиваларда кўрсатиб ўтилганидек кенгайтирилиши социалистик давлатларнинг ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорлигини ва қардошларча ҳамдўстлигини янада мустаҳкамлашга, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга ёрдам беради. Янги беш йиллиқнинг бажарилиши натижасида Совет Иттифоқи капитализм билан иқтисодий мусобақада тағин ҳам юқори марраларга етиб олади, бу эса социализм идеяларининг жозибадор кучини тағин ҳам кўпроқ оширади. Беш йиллик план Совет Иттифоқининг мудофаа қувватини янада ўстиришни таъминлайди, бу эса совет халқини, бутун социалистик ҳамдўстликни империалистик агрессия хавфидан тағин ҳам мустаҳкамроқ муҳофаза қилишга имкон беради, бутун дунёдаги тинчликсевар ва озодлик кучларнинг позициясини мустаҳкамлайди.

Янги беш йиллик план коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришда, совет халқининг фаровонлигини ўстириш суръатларини жадаллаштиришда муҳим босқич бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида кўрсатиб ўтиладики, шу Директиваларга асосланиб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган планини тармоқлар ва иттифоқдош республикалар бўйича ишлаб чиқиш топшириқларини беш йиллиқнинг ҳар йилига тақсимлаб белгилаб бериш таъминланиши лозим. Илгари давом қилиб келган практикадан фарқли ўлароқ энди ҳар бир корхона ўзининг беш йиллик плакита эга бўлиши лозим, бу эса корхоналарнинг истиқболини кўриб, зўр ишонч билан, бир маромда ишлашларига, шу тарика ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини тўхтовсиз ошириб боришларига имкон беради.

Директивалар лойиҳаси эълон қилинганлиги муносабати билан коммунистлар олдида, партия ташкилотлари олдида айниқса масъулиятли вазифалар туғилади. Янги беш йиллиқнинг вазифаларн ва хусусиятларини омма орасида кенг тушунтириб бериш, ишни ҳар бир меҳнаткашнинг муштарак вазифаларни ҳал қилишдаги ўз ролини кўриб турадиган қилиб ташкил этиш зарур.

Совет Иттифоқининг қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ интеллигенцияси Совет ҳокимияти йиллари мобайнида шонли ленинчи партия раҳбарлигида зўр ижоат кўрсатиб ишладилар, бу ижоатли ишлар фақат бизнинг мамлакатимиз қиёфасинигина эмас, бутун планетанинг қиёфасини ҳам ўзгартириб юборди, инсоннят тарихида янги давр бошлаб берди. Ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, бутун совет халқи янги беш йиллик плани зўр хурсандлик билан кутиб олади ,унинг режаларини воқеликка айлантиради ва бу билан коммунистик қурилиш йўлида олға томон катта қадам қўяди.

(«ПРАВДА»нинг 21 февралдаги бош мақоласи).

КОЛХОЗЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Мамлакатимизнинг миллион-миллион кишилари қатори Янгийўлдаги «Интернационал» колхозининг меҳнаткашлари ҳам СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезднинг Директивалари лойиҳасини зўр қувонч билан кутиб олдилар.

Колхоз раиси ўртоқ К. Мамедов биз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Партиямизнинг бу муҳим ҳужжати шундан далолат бериб турибдики, бизнинг фаровон турмушимиз беш йилликда янада камол топади, халқ хўжалигимиз мисли кўрилмаган даражада ривожланади. Директивадаги қуйидаги гаплар бизни ғоят руҳлантириб юборди. «1970 йилда қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар етказиб бериш 55 миллион тоннага етказилсин... Ишлаб чиқариш қурилишлари ва техника сотиб олиш учун 1966—1970 йилларда қишлоқ хўжалигига давлат ўйли билан марказлаштирилган тартибда 41 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилсин... КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг қарорларига мувофиқ 1966—1970 йилларда қишлоқ хўжалигига 1.790 минг дона трактор (шу жумладан 780 мингта ҳайдов тракторн), 1.100 минг дона юк автомобиллари, 900 минг дона трактор прицеплари ва 275 минг дона автомобиль прицеплари, 550 минг дона ғалла йиғадиган комбайнлар етказиб берилсин...»

КПСС XXIII съезднинг Директивалари колхозчиларимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди.

Ҳозир колхознинг қайси бир участкасида бўлманг, фидокорона меҳнат намуналарини кўрасиз. Деҳқонлар бу йил пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ҳар қачонгидан ҳам ошириш учун кўкламга пухта замин ҳозирламоқдалар.

Шак-шубҳа йўқки, ўтган етти йилликда ўз колхозларини илғор хўжаликлар сафига тенглаштириб олган, маҳсулот етиштиришни кўпайтирган, звено системасини қатъий жорий қилган «Интернационал» колхозининг аъзолари беш йилликда тағин ҳам юксак погоналарга кўтариладилар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ М. Шукур ўғли бир группа колхозчиларга КПСС XXIII съезднинг Директивалари лойиҳасини ўқиб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

НУР ДАРЁЛАРИ КЎПАЯДИ

Етти йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этган совет кишилари навбатдаги беш йиллика қадам қўйдилар. Янги беш йиллик коммунизм моддий-техника базасини яратишда улкан босқич бўлади. Куни неча матбуотда эълон қилинган «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари» лойиҳасидан бу очиқ ойдин кўриниб турибди. Бундан буён барча соҳалар қатори энергетика саноати ҳам мисли кўрилмаган суръатлар билан юксалади. Мамлакатимизда йирик-йирик электр станциялари ва гидроузеллар қад кўтаради. Областимиз ҳам йирик нур манбаига айланиб қолади.

Беш йил давомида областимизда Тошкент ГРЭСи ва Чорвоқ ГЭСи қурилиши тўла-тўкис тугалланади. Бекобод ГРЭСининг тўнғич агрегати ишга туширилади. Ҳозирги кунда бизнинг коллектив Тошкент ГРЭСи қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Дастлабки тўртта блок алдақачон ишга туширилган. Йил охиригача ҳар бири 150 минг киловатт қувватга эга бўлган иккн блок ишга туширилади. Келаси йил ҳам иккита шундай блок қад кўтаради.

1970 йилларга бориб станция тўла-тўкис қуриб битказилади.

М. АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, «ТашГРЭСстрой» бошқармаси бетончилар бригадаси бошлиғи.

МУСА ЖАЛИЛ ХОТИРАСИ

21 февралда ватанпарвар шоир Муса Жалил шеърлари Ҳамза номли академик драма театрида республиканинг машҳур артистлари ижросида жаранглаб эшитилди. Тошкент жамоатчилигининг вакиллари Ленин мукофоти лауреати, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Муса Жалил туғилган кунинг 60 йиллигини нишонлаш учун Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг таклифи билан шу ерга тўпландилар.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленнеси Президиумининг раиси Комил Яшин очди. «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Ҳамид Ғулом татар халқининг ботир фарзанди ижоди ҳақида гапириб, фашист зиндонлари унинг иродасини синдира олмади, деди.

Ёзувчилар билан олимлар сўзга чиқиб, Муса Жалил ҳақидаги хотираларини гапириб беришди. (ЎзТАГ).

БУЮК БРИТАНИЯ БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 21 февраль. (ТАСС). Буюк Британия Бош министри Гарольд Вильсон Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида расмий визит блан бугун Москвага келди.

Шереметьево аэродромида уни СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ва Совет давлатининг бошқа арбоблари кутиб олдилар.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

ЮКСАК ИШОНЧ

Бундан уч йил муқаддам бир катта йиғинда минбарга қорачадан келган йигит тортинибгина чиқди. Гапга нўноқроқ экан, қисқагина гапирди. «Биз тўрт киши бўлиб ориқ ернинг ҳар гектаридан ўттиз центнердан ҳосил кўтардик. Кам меҳнат сарф қилиб арзон пахта етиштирдик» дегани кўпни қизиқтирган эди.

Орадан бир йил ўтгач, шу камтар йигит Санъат саройида ўтказиляган механизаторлар кенгашида яна минбарга кўтарилди. Энди унинг кўкрагида «Олтин юлдуз» порлаб турар, иши, бой тажрибаси ҳақида вазмин гапирарди.

— Плани етти иш кунида бажардик. Пахта обдон очилиб турса, гектар тўлиқ бўлса бир механик-ҳайдовчи кунига 9-10 тонна пахта терса бўлади. Бунга аввалларн ўзим ҳам ишонмас эдим. «Бир кунда шунча пахтани қандай териб бўлади?» деб ўйлардим. Йўқ, ҳосил кўп бўлса, ғўза машинабоп қилиб ўстирилса терган сари тергинг келаверади. Қизиқиб кетиб бир кунда 9 минг 700 килограмм ҳам терганман.

Биз гектаридан салкам 40 центнердан ҳосил олдик. Даромаднинг калиди арзон пахта етиштиришда экан. Нарядсиз ишлаймиз, асосий ишлар машинада бажарилди. Шу учун харажат кам бўлди.

Унинг сўзларини ўтирганлар диққат билан тинглашарди. Ҳарбир звено бошлиғи шунга эргашиш учун ўзича режа тузарди...

Абдубашор ўз колхозининг, қоласерса райондаги барча хўжаликларнинг қолоқликдан чиқишини орзу қиларди. Ахир қаторасига бир неча йилдан буён Бекобод планни тўлдиролмай келар, ҳамма ҳижолат. Худди шундай пайтда Бекободдаги қатор хўжаликларда комплекс механизациялашган звенолар тузилиб, уларга трактор-чилардан бошлиқ тайинлана бошланди. Абдубашорнинг иш методи, тажрибаси районда кенг ёйилди. Биринчи йилиёқ далаларда кескин ўзгариш бўлди. Гвардиячилар ўз участкаларидаги ғўзани яшнатиб юборишди.

Шундай кунларнинг бирида Абдубашор ўз участкасидаги ғўзани икки томонлама ишловдан чиқариб бўлиб, оталиққа олган звено томон борарди. У йўл-йўлакай «ғўзаси чанки эмас, аммо культивацияда қирқиб-нетиб битга-яримтасини нобуд қилмасин-да, кўчат бут бўлсин, кўчат» деб ўйлаб борарди. У ҳар гал шу томон келаётганида эрта кўкламдаги воқеани хотирлайди...

... Раис Ҳайдарали ака «Абдубашор, қуш тилини қуш билади, шу Абдусалом билан бир гаплашгин, ўзи яхши тракторчи, лекин ишининг унуми йўқ, озроқ ер ажратиб берайлик, тўрт-беш киши бўлиб чигит экишсин,дурустроқ даромад олишсин» деганди.

Абдусалом Ҳолмуродов аввалига «мен эплайолмайман» деб туриб олди. Лекин Абдубашор бўш келмади: «Қилган ишим кўзга кўринсин, яхшироқ даромад олай, кўпга нафим тегсин» демас экансан-да ука, қани ишни бошла, ўзим ҳамма ишингга бош-қош бўламан, кейин ўзинг тушуниб қоласан» деди. У сўзининг устидан чиқди. Бошида анча ўжарлик қилган Абдусаломнинг звеноси ҳақида Абдубашор «кўпчилик менга ишонди, Абдусалом ишонмаса, мана кузда кўрар натижани, ҳозирча пича пешона тери тўксин, тўғри келса койинман ҳам», деган фикрда эди. У ҳатто Абдусаломнинг «сиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамонисиз, сиздаги шароит бизда қаёқда» деган таънасига ҳам қулоқ солмади. «Шароитни ўзинг яратасан ука, иш мундоқ бўлади» деб техникани қандай асраш, ерни тўндириш, текислаб соз экиш, ортиқча сарф-харажатга йўл қўймасликни ўргатди. Ҳар келганида мабодо ғўза чанқатиб ёки сув ялатиб қўйилган бўлса сувчи Тожибой, Ҳолмирза, Бойматларни қойиди. Баъзида у звенодан тунлари тажанг қайтарди.

Йўқ, Абдубашор оталиғига олган звеноси ишидан уялмади, балки беҳад қувонди. Аввалги йили гектаридан аранг 18 центнердан ҳосил олинган 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олинди. Звенода ҳамма иш машиналар ёрдами билан бажарилгани учун звено аъзолари мўмай даромад эгаси бўлдилар. Ана шунда Абдусалом Абдубашорнинг олдига келиб:

— Сизга қанча раҳмат айтсак оз, иш ўргатдингиз, ёрдам қилдингиз, эл олдида юзимиз ерўғ бўлди. Обрў орттирдик,—дейишди. Биродарлар бир-бирларини қучоқлашар, қувонишарди.

—Эндиги йил звенонгизга етамиз,—ҳазиллашди Абдусалом.

Аммо Усмонов эришган марраларни эгаллаш учун ҳали анча иш қилиш керак. 1965 йили Абдубашор ҳам юқори ҳосил олди, ҳам арзон пахта етиштирди. У планини 162 процент қилиб бажарди. Муҳими — пахтанинг 140 процента фақат юқори сортга топширилди. Бундан звено катта даромад олди. Ҳосилнинг 95 проценти машинада теріб олинди. Ҳаражат кам бўлди.

Куни кеча областимизнинг XIV партия конференциясига ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги билан элга танилган коммунист Усмонов ҳам делегат бўлиб келган эди. Уни бекободлик ҳамкасабалари, дала гвардиячилари вакил қилиб юборишган эди. Конференция делегатлари уни бир овоздан партиямиз XXIII съездига делегат қилиб сайлашди.

Шундай қилиб Бекободнинг Ленин номли колхозидан чиққан қаҳрамон Абдубашор Усмонов Москвага, съездга бораді!

Ф. УСМОНОВА.

МАТОНАТ

САНОАТИМИЗ ИЛҒОРЛАРИ

□ □ □

Металлургия заводининг қайноқ қалби шу кунларда бир дақиқа ҳам ором билмайди. Бири-бирига туташган корпусларда, цехлар ва бригадаларда меҳнат қилаётган азаматларнинг қўллари қўлларига тегмайди. Мартен печларидан олов дарёси баҳор тошқинларидай канавалар бўйлаб оқиб тушяпти. Сачраган сонсиз учқунлар цех корпусини ҳира ёритиб турипти.

Прокат цехида лаққа чўғ қуюлмалар станлардан визиллаб ўтиб, моҳир усталар измига бўйсуниб, тайёр маҳсулотга айланмоқда. Пўлат буюмлар, қурилишда ишлатиладиган металл конструкциялар, юпқа туника листлари бу цехдан чиқади.

Завод коллективи жонажон партиямизнинг яқинлашиб келаётган XXIII съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб ишламоқда. Цехларда бригадаларда меҳнат вахтасида туриб ишлаётганларнинг қаторлари кун сайин кўпайиб бормоқда.

Мартен цехининг 3-печида ишлаётган пўлат эритувчилар ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар ҳар бир пўлат эритиш муддатини 5 минут камайтириш, шу йўл билан бир йилда давлатга 51600 сўм фойда келтиришга аҳд қилдилар. Пўлат эритувчилар иш вақтида чўян, мазут, ферромарганц ва табиий газ — ёқилғини кўплаб тежаб қолиш ҳақида ҳам мажбурият олдилар. с

3-печда мастерлардан Шерали Ҳамроқулов, Петр Жиляев, Николай Филимонов, Амед Мумедяевлар ишлайди. Уларнинг ҳаммаси коммунист, завод коллективининг пешқадам кишилари. Ишда бракка йўл қўймаслик, эритма сифатини яхшилаш, эритилган пўлатни тўла-тўкис канаваларга қуйиш, пўлат эритишни ўтган йилдагига нисбатан 10 процент кўпайтириш учун курашмоқдалар.

Бу печь коллективининг аъзолари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга ўзларининг иш тажрибалари ва малакаларини оширишга ҳам ҳаракат қилмоқдалар. 3 ишчи бу йил индустриал техникумини тамомлайди. Печь коллективининг ҳар бир аъзоси иш маданиятини ошириш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда, цехнинг жамоат ҳаётида актив иштирок этади.

Мартен печини аланга олдириб, олов дарёсида пўлат эритаётган бу баҳодирларнинг куч-ғайрати таҳсинга сазовордир. Биз мастер Шерали Ҳамроқулов сменаси ишлаётган вақтда печь ёнида бўлдик. Мана коржома кийган чайир, чапдаст Шерали печь ичини бинафша кўзойнак орқали кузатиб турибди. Унинг ёнида ёрдамчилари Икром Қўчқоров, Виталий Салтиков ва Усеин Осмоновлар. Улар печь ичига ферромарганц ташлаб турибдилар.

Шерали печь ичида симобдай эриётган пўлатни синчиклаб кузатиб, сўнг шерикларининг ишига раҳм солди. Олов кучини кузатди. Печь ичи бўйлаб Бухоронинг табиий гази гувуллаб ёнмоқда. Бухоронинг юрак нури қадим Сирдарё бўйидаги улкан корхона печларида пўлат эритмоқда. Шерали печь ичидан чўмичда эритма олди. Эритма жуда тобида эди...

Печь канаваларидан пўлат симобдай қуйила бошлади. Шерали соатига қаради. Эритма муддатидан анча илгари тайёр бўлибди. Тер томчилари маржондай терилган юзида табассум мавж урди, ўзида йўқ хурсанд бўлди...

Бу смена коллективи ҳардоим матонат кўрсатиб ишлайди, кўпинча пўлатни барвақт эритади, ишда бошқаларга ўрнак кўрсатади. Айниқса, партия XXIII съезди шарафига мусобақа авж олаётган ҳозирги вақтда янада баракали меҳнат қилмоқда. Петр Жиляев, Николай Филимонов, Амед Мумедяевлар раҳбарлигидаги бригадалар ҳам ўз сменадошларидан қолишмаётир.

Корхона барча цехларида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилинмоқда. Давлат планлари ҳар куни ортиғи билан адо этилмоқда. Металлургия материалларни иқтисод қилиш юзасидан Москва ва Ленинград корхоналари коллективлари бошлаган ҳаракатда актив иштирок этмоқдалар. Улар 1966 йилда прогрессив технологик процессларни жорий қилиб 1000 тонна чўян, 1500 тонна пўлат, 2 тонна рангли металл, 150 тонна ўтга чидамли ғишт, 700 тонна шартли ёқилғи, 400 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолиш учун курашмоқдалар. Улкан заводнинг улкан коллективи албатта ўз сўзининг устидан чиқади. Чунки металлургларнинг шу кунлардаги ғайрат-шижоатга тўла меҳнати бундан далолат беради.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.
Бекобод шаҳри.

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат министрлигига қарашли тажриба-механика заводи коллективи яқинда юқори унумли, учқун чиқармайдиган ускуна ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйди. Бундай ускуналарга ёғ заводлари ва нефтни қайта ишлаш корхоналарида эҳтиёж катта. Суратда: механика-йиғув цехининг созловчи слесари ўрток И. Флаксман навбатдаги ускуна қисмларини тайёрламоқда.

А. Заблоцкий фотоси.

ЭКОНОМИКАНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ҳар бир хўжалик раҳбари, ишчи, инженер, техник ҳодим экономикани кун сайин изчиллик ва қунт билан ўрганиши кераклигини таъкидлади. Шуни ҳисобга олган Чирчиқдаги 160-қурилиш трестининг партия комитети иқтисодий билимлар халқ университети ташкил қилди.

Яқинда университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Унда трест бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Г. Л. Кроткевич КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширишда 160-трест бинокорларининг вазифалари ҳақида лекция ўқиди. Машғулотга бошқарма бошлиқлари, инженерлари, прорабларг, қурилиш мастерлари, инженер-техниклар, экономистлар, бухгалтерлар, бригада бошлиқлари — ҳаммаси бўлиб эллиққа яқин киши қатнашмоқда. Университет машғулотларида қурилишни планлаштириш, меҳнатни ташкил қилиш, қурилишда хўжалик ҳисоби, бинокорлик материалларини тежашга бағишланган темаларда ҳам лекциялар тингланади.

Иқтисодий билимлар халқ университети икки йиллик бўлиб, машғулот ўтказиш учун тажрибали инженерлар, экономистлар, бухгалтерлар, институт ва техникумларнинг малакали ўқитувчилари жалб қилинади.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ИЛЬИЧ ЗИЁСИ

Ильич зиёси... Кудратли завод ва фабрикалар, сон-саноқсиз транспортларни ҳаракатга келтирувчи, кўчалар ва хонадонларни тунда ҳам кундуздек ёритувчи Ильич зиёсининг ҳиматини сўз билан ифода қилиб бериш қийин. Рўзғордаги кичиккинагина бир хизматни кўз олдингизга келтириб кўрингчи: лампочка, ходидильник, плита, даэмол, пылесос, юв ювиш машинаси, радио, телевизор, тикуа машинаси... буларнинг ҳаммаси электр кучи билан ишлайди.

Ана шу мўъжизакор куч ҳақида «Ўзбекистон» нашриёти Б. П. Рябкининг «Электр ҳақида ҳикоялар» китобини босмадан чиқарди.

Китоб автори электр нима, электр энергияси қандай ҳосил қилинади, ундан қаерда ва қандай фойдаланилади каби масалаларни тушунарли, содда қилиб ҳикоя қилади. Китобда «Электр нима», «Ток қандай олинади», «Электр токининг ўзгаришлари», «Энергия фабрикаси», «Ақлли асбоблар», «Электр сим йўллари», «Квартирамизда» темалари айниқса қизиқарли баён этилгандиги ўқувчилар диққатини тортади.

Одамнинг электр билан биринчи танишувини автор шундай ҳикоя қилади. Бундан 2600 йилча муқаддам Грециядa Фалес деган философ яшаган. Унинг қизи ҳам бўлган. Отаси қизига жун йигириш учун нахрабо урчиқ инъом қилипти. Қиз бир куни урчиқни сувга тушириб юборипти. Урчиқни сувдан олишгандан кейин сув томчиларни жун мато билан артишганда жун толалари урчиқка ёпишиб қолган. Қанча кўп артилса жун толалари шунчалик кўп ёпишиб қолаверган. Бу воқеани қиз отасига айтипти. Ота аввалига ҳайратда қолиб, қизи қилганини такрорлапти. Шундан сўнг, жисмнинг ишқаланганда электрланишини сезипти.

Электр бунёд этилиши билан боғлиқ бўлган қизиқарли латифалар, шу соҳа бўйича тўпланган бой тажрибалар ҳақида ҳикоя қилувчи бу китоб электр «сир»ларини ўрганишга қизиқканларга муносиб қўлланма бўла олади.

М. ЗОИРОВА.

СЕВИМЛИ ЎҚИТУВЧИ

МАКТАБ ВА ҲАЁТ

Синфда машғулот қизғин давом этарди. Ўқитувчи Зинаида Степановна китобнинг аҳамияти тўғрисида бироз гапиргач, ўқувчиларга мурожаат қилди:

— Сизлар «Алифбе»ни яхши кўрасизлар-а?

Синфни тўлдириб ўтирган ўғилқизлар бирданига: «Яхши кўрамиз, яхши кўрамиз» деб юборишди.

— Жуда яхши, — деди ўқитувчи. — Бўлмаса, ҳозир «ким яхши ўқиш» мусобақасини бошлаймиз.

Ўқитувчи ўқувчиларни мусобақанинг шартлари билан таништирди. Кейин: «Ким биринчи бўлиб доскага чиқмоқчи?» деб ўртага савол ташлади. Ўқувчиларнинг деярлик ҳаммаси жавоб беришга тайёр эди. Шунинг учун ҳам улар бараварига қўл кўтаришди.

— Дилбар Обидова билан Костя Сидов доскага чиқинглар-чи...

Ҳар иккала ўқувчи ҳам алифбедаги шеърни ўқишга киришди. Лекин, Костя бироз тутилиб қолди. Мусобақада Дилбар ғолиб чиққан эди.

— Тўғри, Дилбар ҳам тез, ҳам равон ўқиди, — ўқитувчи болаларнинг фикрини маъқуллади. —Демак, у китобни жуда севаркан. Тутилиб қолмаганда Костя ҳам яхши натижага эришарди...

Синфда алифбе байрами жуда қизиқарли олиб борилди. Ўқувчилар «Китоб—менинг дўстим» деган қўшиқни хор бўлиб айтишди, алифбе ҳақидаги декламациялар ўқилди.

— Бундай тарбиявий соатлар мен дарс бераётган 1-«Б» синфида ҳар ҳафтада бир марта ўтказиб турилади, — дейди ўқитувчи З. Бобровская. — Бу тадбир яхши натижалар беряпти. Ўқувчиларнинг дарсга бўлган активлигини ошириш билан бирга, уларни мустақил фикрлашга ўргатмоқда. Синфда «Вақтнинг қадрига етинг», «Ким чиройли ёза олади?» деган темаларда ҳам эркин машғулотлар олиб бордик.

Ҳақиқатан ҳам Чилонзор районидаги 163-мактаб педагогик коллективи ўқувчиларга пухта билим беришда ўқитишнинг илғор форма ва методларидан самарали фойдаланмоқда. Бошланғич синфларда ўқувчилар билан тарбиявий соатлар олиб бориш одат тусига кириб қолди. Бунда, айниқса, ўрток З. Бобровская ўқитаётган биринчи синф яхши кўрсаткичларга эришяпти. Ўқитувчи болаларни ўқитиш билан бирга, дарс соатларида турли мавзуларда мазмунли суҳбатлар ҳам ўтказиб туради. Бу жонкуяр педагог ўқув йилининг иккинчи ярмини ҳам тўла ўзлаштириш билан якунлади.

— Чиндан ҳам бу ишчан ўқитувчимиздан ибрат олса арзийди, —дейди мамнун бўлиб мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи ўртоқ Л. Басакова. — У аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришда қулай бир методни ишга солди. Яъни, аълочи ўқувчиларнинг ота-оналарига мактаб номидан миннатдорчилик хати юборишни таклиф этди. Буни ҳамма қўллаб-қувватлади. Жумладан, бу хатда боланинг яхши ўқиши ва намунали ахлоқ эгаси бўлишида мактаб билан силанинг доимий ҳамкорлиги муҳим роль ўйнаяжаги ҳам баён қилинган. Бундай хатларни олган ҳар бир ота-она бола тарбияси билан янада жиддийроқ шуғулланади.

Фарзандларининг намунали хулқи ва яхши ўқиётганлиги тўғрисидаги ота-оналарга ёзилаётган миннатдорчилик хатларини улар хизмат қилаётган корхона ёки муассасаларга ҳам юборишни ташкил этдик. Фақат ўртоқ Бобровскаянинг ўзи аълочи ўқувчиларидан Дилбар Обидова, Саша Зайцев каби 15 дан ортиқ ўғилқизнинг ота-онаси иш жойига хатлар юбортирди.

Бу тадбир бола тарбиясига бўлган масъулиятни оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Дарҳақиқат, бу ибратли ишни ҳамма мактабларда қўлласа арзийди.

А. АЛИЕВ,

Суратда: ўқитувчи З. Бобровская ўқувчилар орасида.

М. Нуриддинов фотоси.

Аҳолига коммунал хизматни яхшилайлик

БУРЧИМИЗ

Шаҳар коммунал хўжалик бошқармасининг меҳнатсевар коллективи пойтахт меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш савиясини ошириш учун курашиб, ўтган йили бир қатор мувоффақиятларни қўлга киритди. Коллектив ана шу ютуқларни янги кўрсаткичлар билан мустаҳкамлаш ниятида янги беш йилликнинг дастлабки ойи — январь ойи топшириғини 106 процентдан ошириб адо этди. Партиямизнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган пойтахт коммуналчилари биринчи квартал топширигини муддатидан олдин адо этиш мажбуриятини олишди.

Бошқарма коллективи Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида социалистик мусобақани янада кучайтириб юборди.

Бошқармага қарашли 33 та ҳаммомдан ҳозир 18 таси табиий газ билан ишлашга ўтказилди. 15 та ҳаммом эса, шаҳар канализациясидан фойдаланмоқда. Шаҳардаги 14-ҳаммомда қўшимча 30 хонали душ қурилиши битказилди ва фойдаланишга топширилди. Январь ойида Оқтепа массивида ва Правда Востока кўчасида Урта Осиёда биринчи автоматик усулда ишлайдиган ўз-ўзига хизмат қилувчи кир ювиш корхонаси меҳнаткашларга совға қилинди. Студентлар шаҳарчасидаги 20-ҳаммом ҳузурида ҳозир 30 хонали душ қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу объект июль ойида ишга туширилади. Шунингдек, Оқтепа массивида 300 кишига мўлжалланган икки қаватли янги ҳаммом, шаҳарнинг Ново-Москва массивида сменасига 500 килограмм қуруқ кир ювиб чиқарадиган фабрика биноси қурилмоқда. Саперний майдонида кўкка бўй чўзиб қолган саккиз қаватли меҳмонхона биноси 1 Май арафасида аҳолига совға қилинади.

Беш йилликнинг дастлабки—1966 йилида коммунал хўжалик ишларини ривожлантириш ҳамда мавжуд объектларни янги замонавий техника билан қуроллантириш мақсадида юз минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Ана шу маблағ эвазига бу йил 29, 16, 19-ҳаммомлар ва «Ўзбекистон», «Пушкин» меҳмонхоналари газ билан иситиладиган бўлади. Бундан ташқари Энгельс кўчасининг муюлишида 750 ўринли ёки 18 қаватли меҳмонхона биноси қуриш мўлжалланмоқда. Шунингдек, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида, беш йилликда, сменасига 10 тонна қуруқ кирни ювиб чиқарадиган салобатли фабрика биноси қуриш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари беш йиллиннг иккинчи йилида Сағбон, Қорасарой кўчалари ва «Узбексельмаш» заводи шаҳарчасида ҳам янги ҳаммом бинолари қурилади.

Коммунал хўжалик ходимлари ўз зиммаларида ана шундай катта ва масъулиятли вазифа турганлигини яхши биладилар ва шунга яраша меҳнат қилиб, пойтахт аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш маданиятини тинмай ошириш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Х. ТУЙЧИЕВ,
коммунал хўжалик министрлигининг инженери.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ШОНЛИ АРМИЯ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Яқинда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш университети иш бошлади. Бу шаҳарда ўн олтинчи халқ университетидир. Университет машғулотларига революция қатнашчилари, гражданлар ва Ватан уруши иштирокчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, запасдаги офицерлар жалб этилиши кўзда тутилади.

Дастлабки машғулотлар бўлиб ўтди. Ёшлар «Совет Қуролли Кучларининг шонли традициялари», «Атом ва термоядро қуроллари ва уларнинг таъсир кучлари» деган темада лекция эшитдилар.

ХАЛҚ ТЕАТРИНИНГ ЯНГИ АСАРИ

Шаҳар халқ театри янги мавсумни янги спектакль кўрсатиш билан бошлади. Кимёгарлар маданият саройига тўпланган томошабинлар А. Островскийнинг «Кечиккан севги» асарини катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Асарни режиссёр Е. Кицлер саҳнага қўйган.

Т. СИҲАРУЛИДЗЕ.

ҚЎЛИ ЕНГИЛ

Чиноэнинг марказига етканингизда катта асфальт йўлнинг ўнг томонига жойлашган шинам сартарошхонага кўзингиз тушади. Дид билан бўялган яшил ранг эшик олдига скамейка қўйилган. Эрталаб ҳам, чошгоҳда ҳам, оқшомда ҳам шу скамейкада иуроний отахонларнинг гурунг қуриб ўтиришганини кўрасиз. Улар ўзлари ёқтирган уста Ҳамидулла акага соч-соқол олдиргани келишган. Чиноза сартарошлар оз эмас-ку. Нега энди қариялар ҳар қачон Ҳамидулла акани йўқлашади?

Ҳа, бу устанинг киши ҳўнглига маъқул бўладиган ажойиб фазилатлари бор. Хонага кирсангиз баҳри-дилингиз очилади. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Деразага ҳарир парда тутилган. Сочиқлар оппоқ қоғоздай. Хонанинг бир чеккасига қўйилган стол устида кундалик газета, журналларнинг янги сони ҳамма вақт муҳайё. Ҳамидулла ака адабиётга, санъатга ўч одам. Хона деворларига Навоий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза каби севимли шоирларимизнинг портретлари осиб қўйилган. Приёмникдан дилрабо қўшиқлар эшитилиб туради.

Ҳаммадан ҳам устанинг ширин-суҳанлигини, одамлар билан бўлган ёқимли муомаласини айтмайсизми?

Мана бугун мўйсафидлардан Икром ота Орипов, Ҳафиз ота Тожибоевлар соч-соқол олдиришди. Устанинг шу шинам хонасида хордиқ ҳам чиқаришди. Ҳар иккала қария ҳар сафаргидай Ҳамидулла акадан мамнун.

— Қўли дард кўрмасин устамизнинг, — дейди Икром ота.

Яқинда Чиноз марказида яна бир бино қад кўтарди. Бу аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида яхши тажриба ортирган сартарошлар ишлашаяпти. Улар орасида қариялар сўзи билан айтганда қўли енгил сартарош Ҳамидулла ака Сайдуллаевнинг ҳам шогирдлари бор. Уста ва унинг шогирдлари ўз касбларини севадилар. Аҳолига яхши хизмат қилиш билан фахрланадилар.

Х. ЭРХУЖАЕВ.

Дмитрий ХОЛЕНДРО

Олмалар

(ҲИКОЯ)

• • •

ЧОЛ ШОШМАСДАН ҳикоя қиларди.

Биз лойқа суви лиммо-лим оқаётган ариқ бўйидаги ҳеч ким йўқ чойхонада ўтирардик. Сув чолнинг ҳикоясига ҳалақит бермай сокин оқарди. Шабада оғушида шивирлаётган тол барглари, чўкаётган оқшом ҳам гўё сувнинг ялтироқ рангига маҳлиё. Бир текис ўсган ингичка ёш толлар фусункор табиат латофатини кўз-кўз қилади. Шундоққина ариқнинг нариги бетидан бошланган оқшомнинг қизғиш шуъласи осмонда товланиб, ерга ёғиларди.

Боғда ишлаётган аёллар қўшиқ айтишарди, ҳаммаёқда қушлар наъмаси. Худди осмон ҳам, қўшиқ ҳам, қушлар ҳам якинлашиб келаётгандек.

Ана шундай оқшомда киши кўнгли хушнуд бўлиб, яқин дилкашни қумсайди.

Мен сув бўйидаги сўрига эндигина ўтирган эдим, кексаларга хос бўғиқроқ овоз эшитилди:

— Ассалому алайкум, ўртоқ.

Чолнинг қўлида бир чойнак чой ва иккита пиёла. Чойхонада одатда иккинчи пиёлани суҳбатдош учун олинади.

— Меҳмонмисиз? — сўради чол. — Москваданми?

Унинг офтобда тобланган ажинли чеҳраси ва қордек оппоқ соколига разм солиб, тасдиқ маъносида бошимни эгдим. У менга чой қуйиб узатди. Шундай бўлади: бирор кимса сенга юз сўм инъом этади-ю, лекин ранжитади. Аммо бошқа бирор суҳбат устида икки-уч қултум иссиққина чойни шунчалар самимият билан узатадики, илтифоти анчагача ёдингдан чиқмай юради. Чол аввал пиёлани чайди. Кейин унга чой қуйиб, чойнакка қайтарди. Бироз дам еганидан кейин, пиёлага шамаси тушмасин деб, хуш бўйли аччиқ кўк чойдан қуйиб узатди.

— Мен Москвада бўлганман, — деди у бир пиёладан чой ичганимиздан кейин.

Суҳбатдошни шошириш одобдан эмаслиги учун мен жим ўтиравердим. Кўча-кўйда айрим одамлар ўзаро наридан-бери ҳол-аҳвол сўрашади, табассум қилишади, янгиликларни баҳам кўришади. Лекин булар шунчаки киши кўнгига, юрақдан бўлмайди. Ана шунда кишининг, айниқса кексаларнинг, дили ранжийди. Шунинг учун улар бир нарсани шошмай ҳикоя қилишади. Ахир, қари биллганни пари билмайди, деган мақол бечиз айтилмаган, кекса одамнинг ҳаёти мисоли узун йўл...

— У ерга олма олиб боргандим, — гапини охирлатди чол.

Чолни хафа қилмаслик ва ёқимли суҳбатни давом эттириш учун:

— Қай пайтда эди? — деб сўрадим.

— Қирқ биринчи йилда, — жавоб берди чол. — Москвани мудофаа қилишаётганда.

РАЙКОМ ПАРТИЯГА чақиртириб, фронтга олма олиб боришини айтишди унга. Ҳозирги ёшидан қариб чорак аср ёш эди у, лекин ўшандаёқ кексалик нухси уриб қолганди. Бонси чорак аср илгари, янги ҳаёт тонгида Фарғона билан Тошкент оралиғида экин-тикинларни оёқ ости қилган босмачиларни тириқтир г а н д и, ўшанда кўп машаққатларни бошидан кечирган.

— Олма? — ҳайрон бўлди чол райкомда. — Нега энди олма?

Ахир фронтга снарядлар юбориш кераклигини улар билишмайдими?

— Она ўз ўғлини узоқ йўлга кузатаётганда қопчиғига бекитиқчи совға солиб қўяди, — дейишди унга. — Янгийўлимизда ҳосил мўл бўлди... Аёллар Москвага бир эшелон олма юборишмоқчи. Олиб борасиз. Сиз уддалайсиз буни.

Чолнинг энг кенжаси урушда, Москва остонасида жанг қиларди. Худди ўша куни фронтдан ўғлингиз қаҳрамонларча ҳалок бўлди, деб ёзилган қоғоз келади... Ғамгин повестларнинг ҳаммасида ўша бир хил сўзлар такрорланарди. Аммо чолга фақат унинг ўғли ҳақида шундай ёзилгандек туюлди, негаки у унинг ўғли. Энг довюрак... Олма ортган эшелон кўз-голганда, дастлабки шпалларни санаркан, чол ўзини ўғли ҳузурига кетаётгандек ҳис қилди...

Ҳозир Тошкентдан чиққан поезд Москвага учинчи сутканда етиб келади, лекин ўша пайтда йўлга неча кун кетишини ҳеч ким билмасди. Қарши томондан кетмакет келаётган поездларни ўтказиб юбориб, олдинга силжиш осон эмасди. Улар бошпанасиз қолган кексалар ва болаларни Тошкент, Самарқанд, Бухоро госпиталларига, Ўзбекистон бағрига олиб келмоқда эди. Улар душман чангалидан қутқариб қолинган заводлар янги жойда дарҳол фойда келтирсин деб станоклар ва металл олиб келмоқда эди. Қарши томондан келаётган поездлар тақа-тақи кеча-кундуз тинмасди. Улар фронтга ошиқаётган танк ортган платформалар ва жангчилар тушган теплушкаларни ўтказиб юбориш учунгина аҳён-аҳёнда разъездларда тўхтаб қоларди. Паровозлар кутишга сабри чидамай буғ чиқариб пишқирар...

Шундай тиқилинчда олмага нима бор!

Эшелонни тупикка киргазиб қўйишди. Бир станциядан ялиниб унган паровозингни иккинчисида тортиб олиб, оғир составга шатак қилиб орқага жўнатишади.

Чол олмалар учун паровоз сўрашга ўзларди. Лекин ҳар қалай секин-аста шимол томон силжишарди...

Орол денгизидан ўтгач, қиш бошланди. Чол безовта бўла бошлади. Олмалар тахта ящикларга жойланган, эски вагонларнинг ғираларидан совуқ шамол ёпириб киради. Вагонлар кимсасиз, зим-зиё саҳродагидек, станция чироқларидан олисдаги ташландиқ бир темир йўлда турарди. Вагонларнинг ясси томига қўнаётган қор борган сари қалинлашади. ғилдираклар теграсида эса бўрон ит каби увиллайди. Ёмон, иш чатоқ!

Чол бутунлай уйқуни тарк этди. Бир куни кечаси эшелон томон айқалиб-чайқалиб фонарь яқинлашиб келаётганини кўриб қолди у. Кейин қор устида қора соялар кўринди. Ҳали яқинидагина чолнинг ўзи станциядан қайтиб келганди. У унга на паравоз, на печка учун кўмир ваъда қилишмаган эди. Бордн-ю, бирдан аҳвол ўзгариб қолган бўлса қизил шапкали бошлиқ олдида қолдириб келгани дежурний югуриб келмасмиди. Шу тобда дежурний кўр кишидек ҳассаси билан темир изни тўқиллатиб, югурган бўларди. Негаки, унда фонарь йўқ. Чолга ҳамроҳ бўлган тенгқурларидан иккинчиси ўз нафасига исиниб, чакмон тагида мудрар ва яхши кунлар тўғрисида хаёл сурарди...

Чолда ҳам, ёрдамчиларида ҳам қурол йўқ эди. Лекин шундай бўлса ҳам яқинлашаётганларни салобатли қаттиқ овоз билан қарши олди у:

— Тўхта! Келаётган ким?

— Оғирроқ бўлинг, ота! — деган жавоб эшитилди. — Маслаҳатли бир гап бор.

Олдин қизил шапкали бошлиқ вагонга чиқди. Унинг кетидан пахтали камзил, қулоқчин кийган қандайдир кўзи бежо кишилар вагонга кўтарилишди. Улардан бири ялпоқ юзли, гавдаси бесўнақай, тошбақа нусха, қовоқлари ёпирилган митти кўзлари атрофга аланг-жаланг боқади. Унинг ёнидаги чўтир кишининг кўзлари эса бақрайган, киприклари қимир этмасди, лаблари дўрдоқ, оқ оралаган чўққи соқоли ҳар тарафга тарвақайлаб ўсган.

Бу одамлар чолга ёқмади, лекин келган меҳмонни кўкрагидан итариб бўлармиди. У қайноқ чойи йўқлигидан узр сўради.

— Улар сизга ёрдам беришади, — деди бошлиқ очиқ чеҳра билан.

— Бирга кетамизми отахон?— Қувлик билан кўз қисиб сўради ёпроғи, қўлларини оғзидан чиқаётган ховурга тутиб.

— Нима керак сизларга ўзи?

Чол уларнинг ким эканлигини аллақачон фаҳмлаб олган эди.

— Бобой ишга пишиқ! — деди ҳаяжонланган ёнгит, яна ҳам тез-тез кўз қисиб.

— Бизнинг мол учун иккита бўш вагон керак, — деди чўтир совуқ ва даҳшатли билан.

— Нима олиб борасизлар?

— Нони-насиба! — яна жилмайди ёнгит.

— Қаёққа?

— Шу нарсалар йўқ жойга-де!

— Олмалар нима бўлади?

СОҲИБКОРЛАР

Пойтахт Тошкент билан навқирон Чирчиқ шаҳрини бир-бирига боғловчи кенг асфальт йўлнинг икки чеккаси кўз илғамас боғлар макони. Қирмизи олмалар, ноксашвалилар, оғзингда бол эриёдиган карсиллама узумлар-у, анор-анжирлар соҳибкорларнинг пешона терлари, юрак қўрларини эмиб, шу боғларда бунёдга келади.

Наврўз нафаси уфириб турган олмазорда бел боғлаб ишга киришган боғбонларнинг ҳиммати жуда мамнун бўлдик. Улар ҳар туп дарахт тагини чопиб юмшатишар, таналарини оқлашар, бачки шохларини қириб, серҳосил қилиб ўстириш чораларини кўришарди.

Совхоз директори Мухтор ака Алауддинов билан ўтган йилнинг иш якунлари ва янги беш йилликнинг биринчи йили режалари тўғрисида суҳбатлашдик. У эришилган ютуқлар, қу боғларнинг энг яхши боғбонлари ҳақида завқланиб ҳикоя қилади.

— Икки юз эллик гектар мевали боғ, 323 гектар ҳосилли токзоримиз бор, — дейди у, — ўтган йили мева йили бўлди. Хўжалигимизнинг ҳамма соҳалари бўйича берилган планларни ортиғи билан бажардик. Гектаридан 153 центнердан, жами 5005 тонна узум, 750 тонна ўрнига 882 тонна хўл мева ҳосили олдик. Етиштирган ноз-неъматларимизнинг таннархи ҳам анча арзон бўлди. Бир центнер узум учун планда белгиланганидан тўрт тийиндан кам — 10 сўм 56 тийиндан, мева етиштириш учун эса 14 сўм 63 тийин ўрнига 13 сўм 84 тийиндан сарфланди.

Совхозимиз соҳибкорлари пойтахтимиз аҳолисинигина эмас, Ватанимизнинг узоқ шаҳарларидаги дўстларимизни ҳам Қибрай узуми, олма-анори, қулпнайи билан таъминлаб турдилар. Москва, Ленинград, Петропавловск, Свердловск шаҳарларига 912 тонна узум, 402 тонна олма, 48 тонна қулпнай жўнатдик.

Совхознинг Рустам Мирзаҳўжаев бошлиқ 2-бўлимдаги 4-бригада соҳибкорлари ҳар гектар ердан 185 центнердан, Раҳим Мўминов бошлиқ бригада аъзолари эса, 167 центнердан узум ҳосили топширишга муваффақ бўлдилар. Семён Билолов бошлиқ боғдорчилик бригадаси 383 ўрнига 518 тонна мева сотиб мактовга лойиқ иш қилди.

Совхоз миришкорларининг ана шундай фидокорона меҳнати туфайли планда белгиланган 570 минг ўрнига 789 минг сўм даромад қилинди. Бу маблағнинг 114 минг сўми пландан ташқари ҳосил топширган бригада аъзоларига ва 39 минг сўми илғорларга мукофот тариқасида тақсимланди.

Эришилган ютуқлар совхоз соҳибкорлари ва боғбонларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди. Улар партиямиз XXIII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, янги ҳосил учун ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ҳозиргача 408 гектар токзор, 250 гектар мевали боғ бир марта сувга қондирилди. Нортолиғ Додаметов, Ҳайдар Камолов, Ғофур Каримов, Эргаш Тўйчиев, Тошмамат Норматов ўртоқлар каби миришкорлар шу кеча-кундузда 200 гектар токзор ва 100 гектар олмазорга иккинчи бор яхоб суви бермоқдалар.

Токзорлар ва боғлар ораси шудгор қилиб қўйилган, ишком оралари ва мевали дарахтлар таги юмшатилиб, маҳаллий ва минерал ўғит солинмоқда. Бу ўғитлар яхоб суви билан эриб, ниҳоллар илдизига шарбат бўлиб сингмоқда. Юнус Илёсов, Душанбой Ғойибов, Сеймиби Муфтелияев, Владимир Алфёров, Усмон Абдуллаев ўртоқлар ҳозиргача 210 гектар ердаги мевали дарахтларга шакл бердилар.

Совхозда янги токзор ва мевали боғ барпо қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзида 10 гектар токзор бунёдга келди.

Соҳибкор ва боғбонларнинг бу йилги ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари юксак. Улар янги беш йилликнинг биринчи йилида аҳолига 4600 тонна узум, 750 тонна мева, 105 тонна қулпнай ва бошқа хил ноз-неъматлар етказиб бериш, шунингдек сабзавот экинларидан, чорвачиликдан мўл ва арзон маҳсулот етиштириш йўлида астойдил қурашмоқдалар.

И. РУСТАМОВ,
Ш. ҲОШИМОВ.

ТЕХНИКА—ЗАФАР КАЛИТИ

Ёз бўйи қилинган ҳалол меҳнатнинг самаралари кимни қуноитнрмайди дейсиз. Мана, Ўрта Чирчиқдаги Терешкова номли колхоз аъзоларини олайлик. Қайси бири билан суҳбатлашманг ўтган қишлоқ хўжалик йили якунидан хурсанд эканликлари маълум бўлади.

Азамат механизаторлар, миришкор сувчилар, пахта ишкини дилга яқо қилган каттадан-кичиккинг ҳаммаси ер ҳайдашдан тортиб то йиғиштерим тамом бўлгунча ҳамжиҳатлик билан астойдил меҳнат қилишди. 16 та нарядсиз ишлайдиган, 3 та комплекс механизациялашган звено аъзолари ўзларига биркитилган ерларни қадрладилар, озиқлантириб ўни унумдор ерларга айлантирдилар. Чигит экишда ҳам, ғўза парваришида ҳам шошмашошарликка сира йўл қўйилмади. Ҳар бир иш ўз меёрида сифатли ўтказилди. механизация деҳқонларнинг оғирини енгил қилган қудратли куч бўлди.

Йил бошида колхоз бўйича ҳар гектар ердан 19,87 центнердан ҳосил кўтариш планлаштирилган эди. Ҳирмон кўзланганидан ҳам баракали бўлди. Гектаридан 24,6 центнердан пахта топширилиб, йиллик план 128,63 процент бажарилди.

Колхозда биринчи бор нарядсиз ишлашга кўчган коммунист ўртоқ Саидаҳмад Усмонов звеноси гектаридан 29,6 центнердан, Исроил Ёқубов, Абдулҳай Обидов ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари эса 29-30 центнердан ҳосил олиб пешқадамлик қилдилар.

Пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан олинган даромад ва колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига тақсимланган ҳақ меҳнат таги роҳат эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳар бир иш кунига 5 сўм 60 тийиндан. И. Ёқубов, А. Обидов, С. Усмонов ўртоқлар қилган даромад 2825-3500 сўмданга айланди. Бу ҳар ойга тақсимлаганда 235-290 сўмданга тўғри келади. Тюпкори звено бошлиғи Ҳакимполвон Саидгозневнинг ойлик меҳнат ҳақи эса ўрта ҳисобда 332 сўмданга тўғри келди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пахтачиликни ривожлантириш учун курашаётган бу колхозда чорвачилик ҳали ҳам бирмунча оқсоқроқ. Колхоз аъзолари ана шуни ҳисобга олиб бу соҳада кескин бурилиш ясаш чораларини кўрмоқдалар. Чорвачилик фермаларини тўла механизациялаш, моллар зотини яхшилаш, шу йўл билан гўшт, сут, тухум етиштиришни ўтган йиллардагига қараганда сезиларли даражада кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ҳозир деҳқонларнинг бутун диққат-эътибори бу йил пахта ҳосилдорлигини ўтган йилгига нисбатан камида 2-3 центнерданга кўпайтириш учун курашга қаратилган. Шу мақсадда далаларда қизғин иш кетяпти. Маҳаллий ўғит жамғариш ва далаларга ташиб чиқариш, суғориш шохобчаларини тартибга солиш учун етарли куч сафарбар этилган. Қишлоқ хўжалиги машиналари ҳам яқин кунлар ичида кўклам экиш кампаниясига шай қилиб қўйилади.

Т. ИЎЛДОШЕВ.

Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхози деҳқонлари кўклам экиш кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Механизаторлар ўз агрегатларини сифатли ремонтдан чиқариб уларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш учун қурашмоқдалар. Суратда: илғор тракторчи ўртоқ Жўра Саидалиев ремонт сифатини текширмоқда.

А. Абалян фотоси.

ЭРТАГА—СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

ЭНГ ФАХРЛИ, ЭНГ ҚАДРЛИ

Рота шаҳдам қадам ташлаб, солдат қўшиғини бир овозда айтиб, машғулотдан қайтиб келарди. Кўча чорраҳасида кўринишдан ўқимишли бир неча ёш йигитлар турарди. Ана шу чорраҳада бу йигитларнинг кўчадан ўтиб бораётган солдатлар ҳақидаги суҳбати эътиборимни тортди.

— Биласизми, армияда хизмат қилиш гуллаган йигитлик йилларининг беҳуда ўтиши демакдир...

— Бу касб ҳозир ҳеч кимга керак эмас.

— Ҳарбий мутахассислик энди ўз умрини ўтаб бўлди.

Бу гап-сўзлар мени — ҳарбий кишини ранжитди; йигитларга бир нарса деб сўз қотмоқчи эдим, светофорнинг кўк чироғи ёниб, бизни бир-биримиздан ажратиб юборди.

Келинг, ўйлаб кўрайлик, йигитлар айтганичамикин?

Дунёда ҳали ҳам реакция кучлари озмунчами? Бу кучлар халқларни янги термоядро уруши гирдобига тортишга тайёр. Улар Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия ва Совет Иттифоқи территориясига даъвогарлик қилмоқдалар. Улар жаҳондаги барча социалистик мамлакатларни яксон қилишни истайдилар.

Ҳозирги кунда америка империалистлари Вьетнам Демократик Республикаси шаҳар ва қишлоқларига қароқчилик ҳужумлари қилмоқдалар. Улар бошқа мамлакатларнинг ички ишларига сурбетларча аралашмоқдалар. Тинчлик ва демократия душманлари инсониятга қарши янгиданянги ғаво-фитна тайёрламоқдалар.

Мана шу фактларнинг ўзи биз мамлакатимиз мудофаа қобилиятини тинмай мустаҳкамлашимиз, ҳамиша ҳушёр туриб Улуғ Ватанимиз ва бошқа социалистик мамлакатлар мудофаасига ҳар дақиқа тайёр туришимиз лозимлигини кўрсатмайдими. Бундай шароитда ҳарбий касбнинг умри тугади, энди унинг аҳамияти йўқ, дейиш тўғрими ахир? Жаҳонда агрессив доиралар мавжуд экан, жанговар ҳарбий меҳнат пўлат эритувчининг, олимнинг, врач, деҳқон ва бинокорнинг меҳнатидек зарур ва муҳимдир.

Ҳаммага аёнки, биз империалистлардан тинчликни сўраб ўтирмаймиз. Биз бунинг учун курашамиз, бор воситаларнинг ҳаммаси билан тинчликни ҳимоя қиламиз. Юқоридаги каби айрим кишиларнинг ҳарбий касб ҳақидаги, унинг совет қуролли кучлари табиати ва характери билан белгиланадиган буюк хизматлари ҳақидаги бемаъни тасаввури зararлидир. Мана шу тўралар ухлаганда ёки дам олганда ҳар соат ва ҳар минутда ерда, сувда, ҳавода, сув остида ўн минглаб солдат, сержант ва офицерлар жанговар ракеталар, самолётлар, кемалар, сув ости кемалари ва радиолокацион станцияларда постда туриб, навбатчилик қиладилар. Улар қиш аёзини ҳам, ёз жазирамасини ҳам писанд қилмай, социализм душманларининг ҳар бир ҳаракатини сезгирлик билан кузатиб борадилар. Мана шундай дақиқаларда уларнинг ҳар бири халқ олдида, Ватанни қўриқлаш юзасидан зиммаларига қандай масъулият юкланганлигини чуқур ҳис қилади.

Ҳарбий касбдаги кишининг ҳаёт мақсади ва бахти ҳар бир совет кишисиники каби юксак ижтимоий, коммунистик идеаллар учун курашдир. Бу идеаллар тантана қилиши, ҳаётга татбиқ қилиниши учун биз ўз мамлакатимизни ҳушёрлик билан ҳимоя қилишимиз, Совет Ватанининг ҳарбий қудратини мустаҳкамлашимиз зарур. Мана шунинг учун ҳам солдат, сержант, офицер ва генералларнинг шонли меҳнати коммунизм ғалабаси йўлида энг зарур меҳнат ҳисобланади.

Юксак сиёсий онглилик, Коммунистик партияга, Ватанга чексиз садоқат, ҳар бир ёшни Советлар мамлакатининг Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга чорлайди, қўлда қурол билан севимли юртни унинг душманлари ҳамласидан ҳимоя қилишга чақиради. Ана шунда биз совет ватанпарварлиги кучини кўрамиз.

Албатта ҳар бир касб ҳам кишидан муҳаббат, қизиқиш, юксак партиявийлик, ғоявийлик ва ирода кучи талаб қилади. Бу сифатлар, айниқса, ҳарбий хизмат учун керак. Агар бундай хусусиятлар бўлмаса солдат ёки офицер яхши билан ёмоннинг фарқига бормайдиган, ҳиссиз шахс бўлиб қолади. Бундай шахсдан жасорат ҳам, маҳорат ҳам кутиб бўлмайди.

Ғоявий етуклик совет кишиси учун қанот бағишлайди. Улуғ Ватан уруши йилларида Коммунистик партия ғояларининг ғалабаси йўлида кишилар ўлимга дадил борди, ўз ҳаётини қурбон қилди. Оддий солдат А. Матросов, капитан Н. Гастелло, генерал Карбишев ва бошқа минглаб совет жангчиларининг ўлмас жасоратлари бутун дунёга маълумдир.

Ўз ҳарбий касби билан фахрланиш ҳислари космонавт офицерларни қаҳрамонлик сари етаклади.

Совет Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш бу, яхши тикилган мундир кийиб шаҳарнинг гавжум кўчаларида шунчаки сайр қилиб юриш эмас. Буни тинч ва сокин ҳаёт деб бўлмайди. Ҳарбий хизмат мураккаб жанговар техникани ўрганиш ва эгаллаш юзасидан эўр бериб меҳнат қилишни талаб қилади. У катта маънавий ва жисмоний куч сарфлашни талаб қилади. Агар сен командир бўлсанг, ҳарбий хизмат бундан ҳам ортиқроқ нарсани талаб этади: бунда сен қўл остингдагиларнинг ажойиб кишилар бўлиб етишиши учун ҳам курашишинг керак. Уруш йилларида армия хизмати даҳшатли жанглар, ҳар хил қийинчиликлар, ҳавф-хатар, очлик ва ночорликни енгишни тақозо қилади.

Гап жанговар буйруқни бажариш ҳақида, юзлаб, минглаб кишиларнинг ҳаёт-мамоти ҳақида кетган пайтда командир, ҳарбий бошлиқ ўз ҳаётини ўйлаб ўтирмайди. Ҳарбий кишилардан ана шундай бўлиш талаб қилинади. Улар жанговар фаолиятининг ҳарбий, революцион романтикаси ана шундай.

Ўқлар ва осколкалар танасини илма-теши қилиб юборган, бир неча бор ярадор бўлган революция ва армия ветеранлари орамизда кўп. Албатта уларда бу жароҳатларнинг таъсири қолган. Лекин уларнинг жанговар иродаси сира букилмайди, руҳи ҳамиша бардам бўлиб туради.

Биз ҳарбий кишилар ҳаётни жуда севамиз. Бу севги бизда ўлимга нафрат, жангда жасорат кўрсатиш, ўзини қурбон қилишга тайёр туриш ҳисларини туғдиради. Ҳаётга, она ерга, қадрдон халққа муҳаббат, юксак идеаллар учун қаҳрамонона ишлар қилишга интилиш ҳарбий хизмат кишиларининг, солдатларимизнинг, сержант, офицер ва генералларимизнинг қон-жонига сингиб кетган.

Ҳарбий касб ҳозирги шароитда бизнинг мамлакатимизда миллионлаб кишиларнинг ҳаёти ва бахти йўлидаги олижаноб меҳнатдир.

Биз ҳарбий хизмат кишилари ўз касбимиз билан фахрланамиз, ўз ҳаётимизни Ватанни ҳимоя қилишдек энг олижаноб ишга бағишлаганимиз билан фахрланамиз.

Ф. НОРХЎЖАЕВ,
артиллерия генерал майори.

Тоғда тактик машғулот пайти. Суратда: (олдинда) бўлинма командири, коммунист, старший сержант С. Мангазбоев «душман» позициясини кўздан кечирмоқда.

В. Дубровченко фотоси.

ОДДИЙ СОЛДАТДАН—КОМАНДИРЛИККА

1964 йилнинг кеч кузи эди. Мухтор барча тенгдошлари қатори ҳарбий хизматга чақирилди. Бўлимга келгандан сўнг, жангчи формасини кийган дастлабки кунлари қийинчиликларга дуч келди. Эрталабки «подъём»дан то оқшомги «отбой»гача тиним билмади. Ҳарбий уставни тинмай ўқир, ўрганар ва машқлардан кейин кечаси қотиб ухлаб қолар ва яна тонгда «подъём» командаси берилганда аранг турарди.

Баъзан «бор-е» деб, сержантнинг буйруқ ва топшириқларини бажаришдан бош тортгиси келар, бироқ уставдаги «Командирнинг буйруғи — жангчи учун қонундир!» деган жумла эсига тушиб кетарди. Жангчи Мухтор Бисенбоев хизматнинг дастлабки кунлари «сержантлар раҳмсиз бўлар эканда» деган ҳаёлга ҳам борди. Чунки, сал интизомсизлик қилдингми, дарров сержант нарҳ эълон қилаверади. Нарҳ олдинги, вассалом, куну-тун тинчлигинг бўлмайди. Қатор-қатор нарядлар олиб, тунлари картошка тозалаб, пол ювиб, турли ишларни бажарган кунларни ҳам бўлган Мухторнинг. Хуллас, аввалига у сержантдан норози бўлиб юрди.

Бир кун бўлима командири умумий составни сафга тиздирди-да, 6 та солдатни младший командирлар — сержантлар тайёрлайдиган мактабга ўқишга юборди. Шулар ичида жангчи Мухтор Бисенбоев ҳам бор эди.

Орадан ойлар ўтди. Кечаги солдат Мухтор Бисенбоев бугун командир. Унинг взводида 26 солдат бор. Рус, украин, ўзбек, озарбайжон, қозоқ фарзандларидан ташкил топган взвод аъзолари младший сержант Мухтор Бисенбоев командирлигида бир оила аъзосидек хизмат қилиб, камтар, меҳрибон, шинаванда ва айни вақтда қаттиққўл бўлган М. Бисенбоев бир ярим йилда оддий солдатликдан уддабурон командирликка бўлган йўлни босиб ўтди.

И. НОРМАТОВ,
сержант.

МЕХАНИЗАТОРЛАР САЁҲАТИ

БУКА, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Тельман номли колхоз аъзолари техникадан моҳирлик билан фойдаланиб қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Бу ерда ер ҳайдаш, ўғит солиш, ўсимликни парваришлашдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган ишларнинг деярли ҳаммаси машиналар зиммасига юклатилган.

Кадрларни тарбиялаш колхоз правлениесининг диққат-эътиборида. Тракторчиларнинг баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт ва шароитлар яратиб берилган. Уй-жойлар қуриб бериш одат тусига кириб бормоқда. Умумий фонд ҳисобидан тракторчилар дам олиш уйларига, санаторийларга юборилиб турилмоқда.

Яқинда колхоз правлениеси 33 машинадан иборат бир ҳафталик саёҳатга юборди. Саёҳатчилар Ленинобод, Фарғона, Андижон, Ўш, Душанба, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлишди. Диққатга сазовор ерлар билан танишдилар. Фабрика, заводларнинг ишчилари билан суҳбатлашдилар.

— Саёҳатимиз, — дейди нарядсиз звеноннинг бошлиғи Маматқул Раззоқов, — бизда катта таассурот қолдирди.

Шу кунларда колхоз механизаторлари машиналарнинг ҳар бирини ҳафтасига юборди. Саёҳатчилар Ленинобод, Фарғона, Андижон, Ўш, Душанба, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлишди. Диққатга сазовор ерлар билан танишдилар. Фабрика, заводларнинг ишчилари билан суҳбатлашдилар.

— Саёҳатимиз, — дейди нарядсиз звеноннинг бошлиғи Маматқул Раззоқов, — бизда катта таассурот қолдирди.

Шу кунларда колхоз механизаторлари машиналарнинг ҳар бирини ҳафтасига юборди. Саёҳатчилар Ленинобод, Фарғона, Андижон, Ўш, Душанба, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлишди. Диққатга сазовор ерлар билан танишдилар. Фабрика, заводларнинг ишчилари

Чорпахлдан келган ҳалиги тошбақа нусха одам елкасини қисиб, тили билан таълагини тақиллатиб қўйди. Хирсдек тўк, беғам бу одам нега урушда қатнашмай юрибди? Москва ҳимоячилари учун аёллар теріб юборяётган олмани нега у сурбетлик қилиб, ерга туширишни сўраяпти? Ҳойнаҳой вагонни ўтирилганча гуруч ва тузга тўлдириб, бу нарсаларни текинга бериш лозим бўлган жойга элтиб, пулламоқчи бўлса керак. Бошлиқ ҳам нега буларга паровоз берақолдийкин? У ҳам нони-насибага сотилдимикин?

— Хўп, мен рози, — деди чол.

Шунақанги кишиларга йўлиқ қанидан ҳайрон бўлмади у. Кейинчалик ўз ёрдамчиларига:

— Бу ярамасларни қўлдан чиқариб юборгим келмади! — деганида чолнинг тадбиркорлигидан ҳайратланишди улар.

Улар билан олишишга чолнинг қурби етмасди. Даҳанаки жанг қилса бўларди. Аммо бундан нима фойда? Хуллас, улар йўлга тушишди. Чол йўл-йўлакай ўйлаб борарди. Тунги бир зумлик тўхташ жойида пастга тушида вагон эшиги ўлмидонини ташқаридан маҳкамлаб чақирилмаган меҳмонларни қамаб қўйди. Тун ва қор оғушида тин олаётган олисдаги шаҳарга эса: «Икки вагон чайқовчи олиб борялман. Милиция аҳли билан кутиб олинглар» деган телеграмма парвоз қилди.

ШАҲАРГА тонгда етиб келишди. Эшелонни милиция, ишчилар дружинаси ва говур-гувур оломон кутиб олди.

Чайқовчиларни олиб чиқишганда перроннинг шовқин-сурон тутиб кетди. Чўтир чолга ўгирилиб:

— Аблаҳ экансан! — деди.

Уни нигоҳи билан қузатаркан бошини сарак-сарак қилди чол.

Бир ёқда халқ қулдиган ўзини тўхтатаолмасди. Бир ёқда, перронга бу ерда йўк нарса — гуруч ва тузни туширишарди. Милиция бошлиғи бўлса чолга:

— Телеграммани ҳам боплабсиз! — дерди, — Милиция халқ билан!

Чол «милиция аҳли билан» деган эди, бу телеграфнинг хатоси. Лекин у буни тушунтириб ўтирмади. Яхши, яхши, хорошо!

Юкни тушириб, икки оғиз гаплашишгунча вагон паровозсиз қолди. Милиция бошлиғи, кетаётиб, жуда ковоғи солиқ ҳарбий комендантга:

— Чолга ёрдам бериш керакмиди. Ахир бу олма. Витамин! — деди.

— Нима!

— Шифобахш дори!

Комендант совуқдан қовжираган кўзларига кафтини босди. Чол уни кўндиришга уринмади, талашиб, тортишмади ҳам. Ҳориб-чарчаб турибди ўзи, жигига тегсанг кирпидек тиконига беркиниб олиб, кейин ҳеч кимни олдига йўлатмай қўяди.

Чол комендантни олма билан сийлади. Яктагидаги чўнтакдан олиб колган олмадан ёз ва барра ўт ҳиди анқирди. Шу тобда олма бирданига ҳам ёмғир, ҳам қуёш, ҳам ўт-ўланлар, ҳам ёпишқоқ асал мужассами бўлиб кўринди. Олма бегуноҳ боладикки, оналарнинг байрамлардаги меҳрибонлигини эслатарди. Сариқ қобиг бағрида тўпланган жанубга хос бу муаттар ҳид ва латофатдан худди қуёш нури таъсир этгандек кўзлар беихтиёр жимирлаб кетарди. Комендант ҳам қамашган кўзларини қисиб қўйди.

Москвадан ёмон сводка бериши. Вокзал комендатураси деворидаги репродукторнинг кулранг лиқопчаси даҳшатли сўзларни айтарди.

— Қаерга кетяпсиз ўзи, ота? — сўради комендант ғамгинлик билан.

— Москвага.

— Радио нима деганини эшитдингизми?

— Тезроқ жўнашим керак, — деди чол, худди энг зарур юк олиб кетаётгандек.

Комендант болаларга ўхшаб бурнини тортди-да, мушти билан столни тақиллатиб:

— Сизни бўлак-бўлак қилиб юбораман! — деди.

— Нима деяпсан? — тушунмади чол.

— Ҳарбий составларга икки-уч вагонлаб тиркаб жўнатамиз. Москва яқинида бирор ерда тўплаб оларсиз.... Бўлмаса қўкламгача умрингиз йўлда ўтиб кетади.

— Олмадан есанг-чи, — деди чол жилмайиб.

Эшелон вагонларини бирин-кетин ташиб кетишди. Орадан бир ҳафта ўтгач, яна чол комендант ҳузурида пайдо бўлди.

— Ўзизмисиз, ота? — деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Ўзимман, — деди чол. — Ўзим ва яна иккита вагон қолди.

ПОЙТАХТГА чол немисдан Москванинг тош остонасига урилиб, ғурра пешона билан титраб-қақшаганча чекинаётган пайтда етиб келди. Лекин ҳали чол буни билмасди. Станциялар ва ярим станцияларни кезиб юриб, ҳамма вагонларини тўпладi. Фақат Москва перронидаги хурсанд чехраларгина совга билан жуда ҳайрли дамга етиб келганлигини айтишди.

— Олма? — баъзи кишилар чолга ишонишмади. — Қани кўрсатинг-чи. Қаранглар-а! Олма! Ура!

Улар чолни машинага ўтқазиб, радиодан сўзлашга олиб кетишди. Устма-уст қоғоз ёпиштириб ташланган Москва деразалари адрес ёзилган томони ичкарига қараган конвертларга ўхшарди. Деразаларнинг ҳар биридан қиш қўйнидаги шаҳарни ёритаётган қувончли хабар бордек туюлди чолга.

Радиодан туриб чол, бугунги эшитган ғалабага ҳар доим ишончи комил бўлганини айтмоқчи бўлди. Тўпларим, танкларим бор деб Гитлер беҳуда чиранган эди. Тўпларини ҳам танкларини ҳам тилка-пора қилиб ташладик, Гитлерни ҳам соғ қўймаймиз.

Лекин у ўз олмалари ҳақида сўзлади. Москва вокзалларидан биридан ўзбеклар днёридан келтирилган бир эшелон олма турганлиги, олмани Москвага ўзи олиб келганлиги, бундан буёғига қандай олиб боришни билмаётганлиги, негаки темир йўл ишдан чиққан, кўл остида машинаси йўқ, қўшинлар бўлса ғарб томон кетиб борадилар, энди уларга сира ҳам етиб ололмаслигидан ҳавотирда эканлиги тўғрисида гапирди. Кимда ким шу гапларни тинглаётган бўлса, ким фронтга снарядлар ва озуқа олиб кетаётган бўлса, марҳамат қилиб, унинг ҳузурига келиб бир яшикдан олма олиб кетсин. Ўзиям жуда хуштаъм олмалар.

Ўша кунларда ҳали телевиденне йўқ эди, аммо чол худди уни ҳамма кўрадигандек бир ҳовуч олмани микрофонга тутиб гапирарди.

Чол вокзалга қайтиб келганида у ерда бир неча машина турарди. Калта оқ пўстин кийган йигитлар:

— Олма! Олма! — деб қичқиришарди.

— Қани ўзи олмалар?

— Шу ерда! — чол шошиб қолди.

У юклар туширилaдиган ҳовлидан ўтиб қучоқ очганича, чопиб келарди. Ҳар иккала қўлида олма.

Ҳовлига кетма-кет пишқириб кириб келаётган машиналар олма олиб, яна қайтиб кетарди. Чол ҳеч кимдан тилхат талаб қилмасди. Умумий мусибат ва умумий бахт билан бирлашган одамлар ёмонларга нисбатан ҳамиша кўп бўлган. Чол ҳузурига келаётган одамлар бу олмаларни брезент тагига, калта пўстинлари остига ширириб госпиталдаги ва жанг майдонидаги ўз дўстларига олиб кетардилар.

Чолдан биринчи бўлиб совга олган бақувват, бурни пучуқ жангчи оппоқ тишлари билан олмани карсиллатиб еркан:

— Ота, қаерники булар? — деб сўради.

— Янгийўл!

— Қандай нав?

— Янгийўл!

— Исмингиз-чи?

— Янгийўл!

Ҳозир азбойин бахтиёрликдан чолнинг қулоғига гап кирмасди, нуқул ўз райони, шаҳарчаси, ўз юрти номини такрорларди, холос.

ХУДДИ шу ерига келганда ҳикоясини тўхтатиб, сукутга кетди, у ўтмиш воқеаларини хаёлан кўз олдида гавдалантирарди. Оқшом шафаги ўз шуъласини ариқдаги сув бетидан йиғиштириб олди. Қаердадир, худди радиодан эшитилаётгандек, булбул сайраб юборди. Аммо чол ҳамон ўтмиш хаёллари билан банд.

— Охирги машина билан ўзим ҳам фронтга жўнадим. — деди у. — Узоқ йўл босдик. Йўл ёқаларида танклар, тўплар, юк машиналари ўмбалоқ ошиб ётарди. Фашистларники... Тилка-пораси чиқиб кетган...

Москва атрофида қиш жуда қаҳрига олган, қаттиқ совуқ. Чол олиб келган олмалар музлаб, тош қотди. Уларни на тишлаб бўлади, на ситиб эритгудек бир нарса бор. Жангчилар шошиб туришибди... Улар севинишиб, олмаларни чўнтакларга солишаркан, чолга таажжубла боқиб, уни мақташарди.

— Ўшанда йиғлаганман, — деди чол.

— Олмалар яхлаб қолганигами? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деди чол. Улар мени яхши кўриб қолганларини билдим. Аммо мен ўшанда уларга қанчалар муҳаббатим борлигини кўрсата олмагандим. Шу боисдан йиғлаганман.

Русчадан Тўлаган
НАЖМИДДИНОВ таржимаси.

Пойтахтдаги 81-мактаб ўқувчилари участкасига йилнинг қайси фаслида келманг, очилиб ётган гулларни кўрасиз. Баҳорда, ёзда ва кузда мактаб участкасида, қишда эса теплицада ўстириладиган гуллар ҳамманинг ҳавасини келтиради. Суратда: биология ўқитувчиси М. Эрсолиев ва 6-синф ўқувчиси Маърифат Ҳолиқовалар теплицада.

Х. Хайтмуҳамедов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕР

В. Я. ЧУБАРЬ ТУҒИЛГАН КУНГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ

Оташин революционер, Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбобларидан бири Влас Яковлевич Чубарь туғилган кунга 75 йил тўлди.

В. Чубарнинг революцион фаолияти жуда эрта, механика ва техника билим юртида ўқиб юрган даврида ёқ бошланди. Бу вақтда у атиги 13 ёшда эди. 1905 йилда Россиянинг ҳамма ерларида революцион ҳаракат авж олиб кетди. Влас Чубарь ҳам мамлакатда юз бераётган революцион курашда актив қатнашди. баррикадаларда, тажрибали ишчилар билан бир сафда туриб курашди, ўз қишлоғида революцион ҳаракатни ёйишда активлик кўрсатди. Жандармлар томонидан қишлоқ тинтув қилинганда, у яшаб турган уйдан революцион руҳдаги варақалар топилади. Чубарь бу варақаларнинг ўзига тегишли эканлигини тан олади. Ёшлиги туфайли унга қаттиқ жазо берилмади. Революцион ишларда қатнашганлиги учун отаси Яков Васильевич қамоққа олинади. Отасининг қамалиши ва акасининг баррикадада ҳалок бўлиши Власнинг кўнглини чўктирмади, аксинча у революцион ҳаракатда янада активроқ қатнаша бошлади.

1907 йилда 16 яшарлик ўспирин Чубарь большевиклар партияси сафига қабул қилинади. У партия топшириқларининг ҳаммасини ўз вақтида, пухта бажаради. Влас Чубарь марксистик адабиётларни кунт билан ўрганди. Ленин ва Плеханов асарларини ўқиди. 1911 йили у техника билим юртини муваффақиятли тугатгач, Москвадаги буғ қозонлари ишлаб чиқарадиган Бари заводида ишлай бошлади. Москвада В. Чубарь тезда ишларини ишлаб бораётган большевиклар билан алоқа боғлайди, Бари заводи партия ячейкасига раҳбарлик қилади. Шаҳардаги энг йирик корхона ҳисобланган «Динамо» заводининг ишчилари билан узвий алоқада бўлади. 1915 йилда ячейка «Йўқолсин уруш» шиори остида ишчилар маёвкасини ўтказади. Бунда Влас Чубарь катта ташаббус кўрсатади. Маёвкани ташкил этгани учун уни завод маъмурияти тезда армияга жўнатади.

Влас Чубарь тезда Петроградга юборилади ва ҳарбий ведомствога қарашли қурол заводига ишга тайинланади. Завод ҳарбий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли завод маъмурияти ҳар қандай революцион чиқишларнинг олдини олиш учун ҳаракат қилар эди. Охранканинг ҳушёрлигига қарамай Влас Чубарь заводда мустаҳкам большевистик ташкилот ташкил этишга муваффақ бўлди.

Чубарь 1917 йили ёзида Петроград фабрика-завод комитетларининг биринчи конференциясига делегат қилиб сайланади. Оташин революционер раҳбарлигида марказий фабзавком совети контрреволюциянинг айёрона планларини барбод этди. Совет темир йўл ҳамда сув транспорти касаба союзлари ишчилари билан келишиб, фабзавком советининг рухсатисиз марказий корхоналарни эвакуация қилиш учун кема бермасликка қарор қилди.

1917 йил октябрь кунларида Влас Чубарь Петроград Бош артиллерия бошқармасининг комиссари бўлиб ишлайди. Октябрь социалистик революциясини Влас Чубарь тажрибали ташкилотчи, ҳушёр хўжалик ходими сифатида кутиб олади.

У В. И. Ленин билан ёнма-ён туриб ишлай бошлади. Ленин раҳбарлигида ишлаш Чубарь ва унинг дўстлари — совет хўжалиги фронтининг командирлари учун катта ҳаётий университет бўлиб хизмат қилди. Чубарь халқ хўжалигини тиклаш, саноатни национализация қилиш ишларида фаол қатнашди.

1920 йили Владимир Ильич Ленин ташаббуси билан Украинага кўзга кўринган давлат ва партия арбобларининг катта бир группаси юборилади. Бу группа маҳаллий ходимлар билан бирликда катта бир жанговар отрядни ташкил этиб, ёш Украина республикасини тиклашда фидокорона меҳнат қилади. Чубарь Украина саноатини тиклаш ташкилий бюросининг раиси қилиб тайинланади. Чубарь Донбасс тошкўмир шахтасини тиклашда катта хизмат қилди, унинг ташаббуси билан Украинада ҳарбий саноат совети ташкил этилди. Кейинчалик бу Москвада ҳам шундай ташкилотнинг тузилишига ўрнак бўлди. РСФСР Олий халқ хўжалиги кенгашида ишлаб ортгирган тажрибаси унга Украина саноатини национализация қилиш ва халқ хўжалигини тиклашда ўз самарасини кўрсатди.

Влас Яковлевич Чубарь 10 йилдан ортиқ Украина ҳукуматига бошчилик қилди. Бу йилларда совет халқи чет эл интервентлари томонидан вайрон қилинган хўжаликни тиклаб, мамлакатни социалистик асосда қайта қуришга киришган эди. Совет Украинаси ҳам ўзининг йирик металлургия ва химия заводлари, бой тошкўмир ва темир руда запаслари, серҳосил қора тупроқли ерлари билан СССРда социалистик реконструкциялаш ишини тезлаштиришга салмоқли ҳисса қўшди. Бунда Украина ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси, Украина КП(б) Марказий Комитетининг бюро аъзоси, 1926 йилдан бошлаб ВКП(б) МК Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат Влас Яковлевич Чубарьнинг хизмати катта бўлди.

1934 йилда В. Чубарь СССР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинланади. Бир йилдан кейин эса ВКП(б) МК Сиёсий Бюросига аъзо қилиб сайланади. У Молия халқ комиссари вазифасини ҳам бажарар эди. Меҳнаткаш халқ Влас Яковлевични севарди. Шунинг учун ҳам 1937 йили СССР Олий Советига сайловларда 150 ташкилот унинг номзодини депутатликка кўрсатди. У Харьков округи бўйича СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодининг қўйилишига розилик билдиради.

Шахсга сиғиниш даврида 1938 йили В. Чубарь Совнарком раисининг ўринбосари вазифасидан четлаштирилиб, Сиёсий Бюро составидан чиқарилади ва Соликамскка ишга юборилади. Сўнгра кўп ўтмай, у қамоққа олиниб отиб ташланади.

Влас Яковлевичнинг улкан хизматлари халқимиз хотирасида абадий сақланмоқда. Совет халқи унинг номини доим ҳурмат билан тилга олади.

М. МИРПЎЛАТОВ.

АМЕРИКАДАН ХАТЛАР

Бу мақола Америкада чиқадиган «Нью-Йорк Таймс» газетасида босилди. Унда Тошкентдаги 1-экспериментал мактаб-интернатда олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур газетанинг махсус мухбири яқинда республикамизда бўлиб, мактаб-интернатда олиб борилаётган тарбиявий ишлар билан қизиққан эди. У, ана шу ҳақда ўз газетасига мақола ёзди.

«Ўзбекистон болалари инглиз тили ўқишяпти» деб номланган бу мақолада шундай жумла бор: «Биз қатнашган инглиз тили дарси машғулотини 26 яшар ўзбек қизи Раъно Ҳошимова олиб борди. Ўқитувчи инглиз тилини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам у билан бу тилда жуда эркин сўзлашдик. Биз унинг дарс бериш маҳоратига қойил қолдик. Шуниси қизиқки, бу ўқитувчининг турмуш ўртоғи ҳам Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида инглиз тилидан дарс берар экан».

Шунингдек, автор мактаб-интернатнинг бошқа синфларида ҳам чет тиллар ўқитиш борасидаги ютуқлар устида ҳам тўхталади. Ўқитувчи Н. Турсунқулова тарбиячилик қилаётган 5-«А», М. Аҳрамова тарбиячилик қилаётган 4-«А» синф ўқувчилари ҳам чет тилини қизиққиш билан ўрганмоқдалар.

Мақола босилиб чиққач, ўқитувчи Р. Ҳошимова номига Америкадан жуда кўплаб хатлар келди. У шу сўнгги ўзидаёқ американлик ўқувчилардан юзга яқин хат олди.

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТ

Тошкентдаги А. Навоий номли 40-мактабда «Дам олиш клуби» ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ўқувчилар клубда бўш вақтларини, айниқса дам олиш кунларини мазмунли ўтказадилар.

Яқинда мактаб ўқувчилари биология фанлари кандидати М. Тўйчиев билан учрашиб, табиат ва ўсимликлар ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олган эдилар. Кечагина эса, улар шоир Қуддус Муҳаммадий билан учрашдилар.

Ф. ҒОНИБОВ.

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Янгийўлдаги Абдулла Набиев номли мактаб ўқувчилари тил ва адабиёт ўқитувчиси Лутфи Умарова раҳбарлигида «Ўзбек бадиий адабиётида динга қарши кураш» мавзуида китобхонлар конференцияси ўтказадилар.

Конференцияда ўқувчилардан Ҳамдиев «Ислом динининг келиб чиқиши» темасида, Назиров, Эргашева, Умаралиева, Аҳмедова, Анорбоева ва Абдуллаевалар ўтган асрлар адабиётида динга қарши кураш ғояларининг ривожланиши ҳақида доклад қилдилар. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

И. УРИНБОЕВ.

ЖАҲОН ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси ҳақида чет эл матбуоти

БОЛГАРИЯ

СОФИЯ, 20 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг пленуми тўғрисидаги хабарларни ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасининг батафсил баёни газеталар энг кўзга кўринарли ўринларда босиб чиқармоқдалар.

«Работническо Дело» газетаси янги беш йилликда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янада юксалиши, миллий даромад ва аҳолининг реал даромадлари ўсишини таъкидлаб қуйидагиларни ёзади: Директивалар лойиҳаси коммунизм қурилишида янги муҳим даврни белгилаб беради. Беш йиллик планнинг бажарилиши жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлади. СССР иқтисоди қудратининг юксала борниши социализм ғояларининг жозиба кучини янада оширади, жаҳон миқёсида синфий кучларнинг социализм фойдасига ўзгариши, ҳозирги замон революцион кучларининг ўсиши, улар бирлигининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

СССРнинг иқтисодий муваффақиятлари, жаҳонда биринчи социализм мамлакати қудратининг янада мустаҳкамланиши — тинчлик ишига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлади, деб ёзади «Земеделско Знаме» газетаси. КПСС мамлакатни Ленин йўлидан коммунизмнинг янги ғалабалари сари бошлаб бормоқда.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА, 20 февраль. (ТАСС) Бугун Чехословакиядаги марказий газеталар СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган янги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасини батафсил баён қилиб бермоқда. Матбуот янги совет беш йиллик плани СССР экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутганлигини таъкидламоқда.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўлларини муҳокама қилиш, деб ёзади «Руде Право» газетаси, КПСС XXIII съездига кўрилаётган тайёргарликнинг муҳим мазмуни бўлади. Янги беш йиллик план Совет Иттифоқини ривожлантириш ва коммунистик жамият моддий техника базасини қуриш перспектив планнинг таркибий қисми бўлиб, бунинг негизлари КПСС программасида таърифлаб берилган. Янги халқ хўжалик плани СССР халқ хўжалигини ҳамда олимлар, экономистлар хўжалик ва снёсий ходимларнинг кўп минг кишилик коллективи КПСС Марказий Комитети Президиумининг раҳбарлигида ишлаб чиққан перспектив илмий режалари кенг ва танқидий анализ қилиш натижасида вужудга келди. СССР саноатини қайта қуриш ва шошилмасдан, изчиллик билан амалга оширилиши лозим бўлган янги иқтисодий ислоҳот эълон қилинганлиги янги совет беш йиллигини тайёрлашнинг таркибий қисми бўлди.

Совет Иттифоқининг социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш ва халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг афзалликларидан фойдаланиш янги беш йилликнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини «Руде Право» газетаси ва бошқа газеталар уқтириб кўрсатмоқда.

ГДР

БЕРЛИН, 20 февраль. (ТАСС). «Совет Иттифоқи коммунизм қурилишининг тарихий вазифаларини ҳал қилмоқда» — «Нойес Дойчланд» газетаси КПСС Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленуми тўғрисидаги батафсил хабарни ана шундай йирик сарлавҳа остида бугун босиб чиқарди. Газета СССР хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳасининг асосий кўрсаткичларини алоҳида йирик ҳарфлар билан бўрттириб берди.

«Нойес Дойчланд» газетаси қуйидагиларни ёзади: «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш янги беш йиллик планининг бажарилиши катта халқаро аҳамиятга эга бўлади ва барча революцион кучларнинг мустаҳкамланишини таъминлайди».

ЮГОСЛАВИЯ

БЕЛГРАД, 20 февраль. (ТАСС). Бугун Югославия матбуоти Москвада КПСС Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтганлиги тўғрисидаги хабарни газеталарнинг кўзга кўринарли жойида босиб чиқарди. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директиваларининг лойиҳасида келтирилган асосий кўрсаткичларни ҳикоя қилиб бермоқда. Беш йиллик планга доир директивларда, деб ёзади «Борба» газетаси, КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларига алоҳида аҳамият бермоқда.

«Политика» газетасида «Беш йиллик план тўғрисида жамоатчилик мунозараси» деган сарлавҳа остида Москвадан олинган хабар босиб чиқарилди. Директивалар лойиҳасида деб ёзади газета, 1966—1970 йилларда СССРнинг миллий даромадини 38—41 процент кўпайтириш, аҳолининг реал даромадларини эса 30 процент ошириш кўзда тутилади. Беш йиллик план лойиҳасида, деб ёзади газета, Совет республикаларини ҳар томонлама ривожлантириш лозимлиги кўзда тутилади.

ВЕНГРИЯ

БУДАПЕШТ, 20 февраль. (ТАСС). Бугун Венгрияда чиқадиган барча газеталар КПСС Марказий Комитетининг пленуми тўғрисидаги ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси тўғрисидаги хабарни босиб чиқардилар. «Непсабадшаг» газетаси бутун бир саҳифани эгалланган материал сарлавҳаларида янги беш йиллик план бажарилиши натижасида меҳнаткашларнинг моддий даражаси янада юксалади, Совет Иттифоқининг социалистик мамлакатлар билан алоқалари яна мустаҳкамланади, деб таъкидлайди. Газета янги беш йиллик планнинг халқаро аҳамиятини айтиб, қуйидагиларни ёзади: беш йиллик план вазифаларининг амалга оширилиши совет халқи қардош социалистик мамлакатларга, халқаро пролетариатга, миллий озодлик харакатига нисбатан ўз мажбуриятларини бажараётганлигининг янги далили бўлади.

ФИНЛЯНДИЯ

ХЕЛЬСИНКИ, 20 февраль. (ТАСС). Бугун Финляндия матбуоти КПСС Марказий Комитетининг пленуми тўғрисидаги ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг пленумда маъқулланган Директивалари лойиҳаси тўғрисидаги ҳабарларни босиб чиқарди.

«Кансан Уутисет» газетаси ўз мухбирининг Москвадан юборган хабарида беш йиллик планнинг асосий вазифаларини бўрттириб кўрсатмоқда. «Халқнинг турмуш даражасини кўтариш, — деб ёзади газета, — янги беш йиллик планнинг асосий мақсадидир».

«Бутун саноатда техника тараққиётини тезлаштиришга ёрдам берадиган саноат тармоқларига биринчи галда асосий эътибор берилмоқда», — деб ёзади «Кансан Уутисет» газетаси.

«Беш йиллик план лойиҳаси билан дастлабки таниш чиқиш, — деб ёзади газета, — бу план реал негизга асосланганлигини ва хўжалик имкониятларини ҳисобга олиб тузилганлигини кўрсатиб турибди. Бинобарин, бу план капиталистик дунёнинг иқтисодий системаси билан мусобақалашмоқ учун тағин ҳам мустаҳкам негиз яратиб беради».

„АЛЕКСАНДР ГЕРЦЕН“ КЕМАСИ

БЕЛГРАД. Пуладаги «Уляник» кемасозлик корхонаси Стапелидан Совет Иттифоқининг заказига биноан қурилган «Александр Герцен» кемаси сувга туширилди. Бу — «Уляник» кемасозлик корхонаси совет Қора денгиз флоти учун қуриб бераётган 10 та кеманинг саккизинчисидир. «Александр Герцен» кемасининг ҳажми 12 минг тонна.

ФЕСТИВАЛЬ АФРИКАДА БЎЛАДИ

АККРА. Бутун дунё ёшларининг ўн минг вакили бу ерда ёшлар ва студентларнинг IX Жаҳон фестивалида учрашадилар.

«Гана ёш пионерлари» ташкилотининг раҳбари Шардоунинг ТАСС мухбирига айтишича, Аккрада Гана ҳукумати ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари билан фестивалга тайёргарлик кўрувчи халқаро комитет вакиллари ўртасида олиб борилган музокаралар тугади.

Гана ёшлари ва халқи ёшларининг Африка қитъасидаги биринчи фестивалини Ганада ўтказишга розилик бердилар.

Фестиваль «Бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» шиори остида ўтади.

ОАСЧИЛАР УСТИДАН ҲУКМ

ПАРИЖ. Давлат хавфсизлик суди Франция президенти Де Голлга суиқасд уюштирилганлиги тўғрисидаги иш юзасидан ҳукм чиқарди. Собиқ оасчилардан бир группаси 1964 йилнинг 15 августида президент иштирок этган маросим вақтида бомба портлатишга уринган.

Суд суиқасднинг асосий ташкилотчилари — С. Леман, А. Росфельдер ва Жан-Жак Сюзинини сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилди. Жиль Бюссиа умрбод қамоқ жазосига, бошқа айбланувчилар эса — турли муддатлар билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Бургут болалари** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Телевизион янгиликлар**, 18.50 — **Коммунал хизматлар**, 19.10 — **Ёш ижрочилар концерти**, 19.50 — **Туғилган жойи — Магдебург** (телефильм), 20.10 — **Олим бўлсанг олам сенинки** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 21.10 — **Телевизион янгиликлар**, 21.25 — **Бизнинг интервью**, 21.35 — **Реклама ва эълонлар**, 21.40 — **Турналар учади** (бадиий фильм), фильмдан сўнг — **Эртаги кун программаси**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.05 — **Қуён қиссаси** (болалар учун қўғирчоқ фильм), 18.20 — **Сеҳрли ойна** (телефильм), 19.10 — **Тошкент янгиликлари**, 19.20 — **Қўшиқ-солдат ҳамроҳи** (фильм-концерт), 20.20 — **Мартирос Сарьян** (ҳужжатли фильм).

Ўзбек тилида: 21.20 — **Шоримиз — тежамлилик** (телеочерк), 21.40 — **Тошкент янгиликлари**, 21.50 — **Зангори мундирли спортчилар**, 22.05 — **Дарёлар келажакка оқади** (телефильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/II да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/II да **Қотил**, 23/II **Кутлуғ қон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/II да **Нурхон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Анатолий Фурманов гастроллари** (иллюзион аттракцион). РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Владимир Довейко** раҳбарлигида акробатлар группаси ва бошқа номерлар. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Биз, рус халқи — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 минутда).

Эскадранинг ҳалокати — САНЪАТ САРОЙИ, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Буба қайлиғи — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Младший сержант ва бошқалар — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 9-45 минутда).

Чангда қолган гул — НАВОИЙ НОМЛИ (кеч соат 9.40 минутда ўзбек тилида).

ФУТБОЛ — ФУТБОЛ — ФУТБОЛ

„Б“ КЛАСС КОМАНДАЛАРИ МАВСУМ АРАФАСИДА

Бу йил мамлакат футбол чемпионатининг «Б» классида областимиз спорт шарафини тўртта команда ҳимоя қилади. Булар — Чирчиқнинг «Химик», Юқори Чирчиқнинг «Свердловчи», Оққўрғоннинг Димитров номли колхоз ва Олмалиқнинг «Металлург» коллективларидир.

Бу тўрт мастерлар командасининг ҳаммаси мавсумга тайёргарликни жуда барвақт бошлаб юборган эди. Шу кунларда «Химик», «Металлург», «Свердловчи» ва Димитров номли колхоз командаси очиқ ҳавода машқ қилиб, икки томонлама контроль учрашувлар ўтказяпти. Ҳа демай мавсум олди ўртоқлик учрашувларини ҳам бошлаб юборишди.

Йилдан-йилга юксак натижа кўрсатиб келаётган Чирчиқнинг «Химик» командаси бу йил жанговар составни тўла сақлаб қолди. Командани мавсумга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган тренер А. Григорянц ва Н. Мавроматислар тайёрламоқда. Чирчиқлик футболчиларнинг янги мавсумдаги орзуси фахрли учликдан жой олиш. Бунинг учун тажриба ҳам, куч ҳам етарли.

Янги мавсумни мастерлар сафида кутиб олишга тараддуд кўраётган Олмалиқнинг «Металлург» командасига Отари Дзидзигури ва собиқ пахтакорчи Юрий Беляковлар тренерлик қилишмоқда. Республика чемпионатида мувваффақиятли қатнашиб келган Олмалиқ футболчиларининг нияти «Б» классида ҳам ишқибозлар ишончини оқлаш.

Димитров номли колхоз футболчилари республика чемпионатидаги чиройли ўйинлари билан томошабинларни озмунча ҳаяжонга солмаган дейсизми?! Бу коллектив ўтган йили узоқ вақтгача «Сокол» билан тенгма-тенг қадам ташлаб борди. Сўнгги турларгача чемпионликка асосий даъвогарлардан эди. 24 та команда ўртасида фахрли иккинчи ўринга чиқиш ҳам катта куч ва бой тажрибани талаб қилади. «Политотдел» ва «Свердловчи» коллективларидан кейин областда эмас, республикада учинчи бўлиб катта футбол сафидан жой олган собиқ пахтакорчи Виктор Орлов шогирдлари ҳозир зўр бериб машқ қилишмоқда. Тренировка программасига киритилган енгил ва оғир атлетика, гимнастика, волейбол, баскетбол, сузиш ва бошқа спорт турлари футболчилар маҳоратини оширишга қўл келмоқда. Команданинг тажрибали ўйинчилари ёшларга кўмаклашмоқда, билмаганини ўргатмоқда. Командага янги қабул қилинган ёшлар Отажонов, Муҳамедов, Ахмедшин, Капустинлар бошқа ўйинчилар билан ака-укадек бўлиб кетишди. Бу лаёқатли футболчиларнинг келажаги порлоқ. Улар колхоз шуҳратига шуҳрат қўшишига, спортда довруғ таратишига, ветеранларга муносиб ўринбосарлар бўлиб қолишига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Димитров номли колхоз командаси тренерлари ёшларга юксак ишонч билдириб тўғри иш қилишди. Чунки муносиб резервга эга бўлган команданинг эртаси порлоқдир.

Аммо командани бошқа шаҳарлардан келган ўйинчилар ҳисобига тўлдираётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Командадан командага ўтиб юрадиган, бир-икки йиллик сайр қилишга чиққан, фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегадиган, бугун бўлмаса эртага шаҳрига қайтиб кетиш ниятида юрадиган «келгинди» ўйинчиларнинг кимга кераги бор?!

Шу ўринда бир вақтлар «Пахтакор» составида ўйнаган Морозов, Бирюков, Феофанов, Медведев ва бошқа ўйинчиларни эслаб ўтиш ўринли бўлади. Хўш бу футболчиларнинг тақдири нима бўлди? Ҳозир улар қаерда? Аллакачон ўз шаҳрига жўнаб кетган.

Свердлов номли колхоз раҳбарлари эса бундай сабоқдарман тўғри хулоса чиқаришмаганга ўхшайди. Командани бошқа шаҳарлардан келган ўйинчилар ҳисобига тўлдириш давом этмоқда. Ҳозир тренировка қилаётган составнинг қарийб ярми бошқа клублардан келган футболчилардир. Бу командада маҳаллий кадрларга етарли эътибор берилмаяпти.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикалари командаларидан ташкил топган Ўрта Осиё зонаси қатнашчилари чемпионатни апрель ойининг дастлабки ҳафтасида бошлаб юборадилар. Беш республикадан қатнашадиган 19 та команданинг қарийб ярми (тўққизтаси) Ўзбекистондан бўлиши республикамизда футбол тобора оммавийлашиб бораётганлигини кўрсатади. Шундай экан, мастерлар командаларимизга бошқа шаҳарлардан футболчилар таклиф этмай, маҳаллий кадрлардан муносиб ўринбосарлар етказиб берайлик. Ана шунда ўзбек футболи сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ўсган бўлади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, Правда бор-тома, кучаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши — 25811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 00142. ИНДЕКС 64969 Г—1059.